

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

49-сон
(1017)
2021 йил
декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

736. «Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 7 декабрдаги ЎРҚ–735-сон Қонуни

737. «Оғир ижтимоий аҳволда қолган хотин-қизлар ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 9 декабрдаги ЎРҚ–736-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

738. ««Янги Ўзбекистон» массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ–32-сон Фармони

739. «Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ–33-сон Фармони
740. «Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 декабрдаги ПҚ–34-сон қарори
741. «Маданият ва санъатни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш тизими янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПҚ–36-сон қарори
742. «Иқтисодиёт тармоқлари учун муҳандис кадрларни тайёрлаш тизими инновация ва рақамлаштириш асосида тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги ПҚ–42-сон қарори
743. «Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа давлат дастурлари ижроси устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги ПҚ–43-сон қарори
744. «Гидроэнергетикани янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги ПҚ–44-сон қарори

Бешинчи бўлим

745. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 2 ноябрдаги 68-сон «Давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлар сметаси ҳамда молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ва тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3341*)
746. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 19 ноябрдаги 74-сон «Болалиқдан ногиронларга ва ўн саккиз ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга нафақалар тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 10 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1927-4*)

747. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 19 ноябрдаги 27/5-сон «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 10 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-8*)
748. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 19 ноябрдаги 27/7-сон «Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 10 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2696-3*)
749. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 19 ноябрдаги 27/8-сон «Фоишларни ўстирмаслик тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 10 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1304-5*)
750. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 19 ноябрдаги 27/6-сон «Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 10 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2709-5*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

736 Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 16 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 19 ноябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8,

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 7 декабрда эълон қилинган.

471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **17-модданинг:**

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари тегишинча **иккинчи, учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

иккинчи қисмидаги «97-моддасининг биринчи қисми, 98, 104 — 106, 118, 119, 137, 164 — 166, 169-моддалари» деган сўзлар «97, 98, 104 — 106, 118, 119, 137, 164 — 166, 169-моддалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **85-модданинг иккинчи қисмидаги** «ўн уч» деган сўзлар «ўн тўрт» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **86-модданинг:**

иккинчи қисмидаги «Ўн уч» деган сўзлар «Ўн тўрт» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «ўн уч» деган сўзлар «ўн тўрт» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **128-модда:**

биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўша ҳаракатлар моддий қимматликлар бериш ёхуд мулкӣ манфаатдор этиш орқали содир этилган бўлса, —

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) илгари ушбу Кодекснинг 118 ёки 119-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан содир этилган бўлса, — беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

5) **128¹-модданинг номи** ва **диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«128¹-модда. Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахс билан моддий қимматликлар бериш ёхуд мулкӣ манфаатдор этиш орқали жинсий алоқа қилиш

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахснинг ўн саккиз ёшга

тўлмаганлиги айбдорга аён бўлгани ҳолда, моддий қимматликлар бериш ёхуд мулкий манфаатдор этиш орқали у билан жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiий усулда қондириш»;

6) 129-модда:

биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

иккинчи қисмининг санкцияси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 973-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) 121-модда:

биринчи қисмидаги «педагог ёки жабрланувчининг вакили» деган сўзлар «педагог ва (ёки) психолог ёхуд жабрланувчининг вакили» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги **иккинчи, учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Педагогни ва (ёки) психологни сўроқ қилишга жалб этиш вояга етмаган гувоҳ ёки жабрланувчи қонуний вакилининг ёки катта ёшдаги яқин қариндошининг, жабрланувчи вакилининг илтимосига биноан ёхуд суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки суднинг ташаббусига кўра амалга оширилади. Педагогнинг ва (ёки) психологнинг иштироки жиноят ишини юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан таъминланади.

Вояга етмаган жабрланувчи ёки гувоҳни сўроқ қилишда иштирок этиш учун педагогни ва (ёки) психологни жалб этиш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқи сўроқ қилишдан олдин унинг қонуний вакилига ёки катта ёшли яқин қариндошига, жабрланувчи вакилига суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан тушунтирилади.

Вояга етмаган гувоҳни ёки жабрланувчини сўроқ қилишнинг умумий давом этиш вақти кун давомида дам олиш ва овқатланиш учун бир соатлик танаффусни ҳисобга олмаганда тўрт соатдан ошмаслиги керак»;

иккинчи — олтинчи қисмлари тегишинча **бешинчи — тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

олтинчи қисмидаги «педагог ёки психолог» деган сўзлар «педагог ва (ёки) психолог» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **345-модданинг бешинчи қисмидаги** «128-моддаси иккинчи қисмида» деган сўзлар «128-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **554-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«554-модда. Вояга етмаган гумон қилинувчини ёки айбланувчини сўроқ қилишда педагогнинг ва (ёки) психологнинг иштироки

Вояга етмаган гумон қилинувчини ёки айбланувчини сўроқ қилишда суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг ихтиёрига кўра ёхуд вояга етмаган гумон қилинувчи ёки айбланувчи ҳимоячисининг, қонуний вакилининг илтимосига биноан педагог ва (ёки) психолог иштирок этиши мумкин. Педагогнинг ва (ёки) психологнинг иштирокини таъминлаш жиноят ишини юритаётган суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки суднинг зиммасига юклатилади. Педагог ва (ёки) психолог суриштирувчининг, терговчининг руҳсати билан гумон қилинувчига ёки айбланувчига саволлар беришга, сўроқ тугаганидан сўнг эса, сўроқ баённомаси билан танишиб, баённомадаги ёзувларнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги ҳақида ўз фикрларини ёзма шаклда баён этишга ҳақлидир. Бу ҳуқуқлар суриштирувчи, терговчи томонидан педагогга ва (ёки) психологга вояга етмаган шахсни сўроқ қилишдан олдин тушунтирилади ва бу ҳақда сўроқ баённомасида қайд қилинади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда, № 9, 422-модда, № 12, 595-модда; 2008 йил, № 4, 187-модда, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 4, 136-модда, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 9, 334-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 10, 605-модда; 2019 йил, № 3, 165-модда, № 5, 267-модда, № 8, 469-модда, № 9, 588, 592-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 6, 337-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **127-моддасининг биринчи қисмидаги** «ўн уч» деган сўзлар «ўн тўрт» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириди.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 7 декабрь,
ЎРҚ–735-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

737 Оғир ижтимоий аҳволда қолган хотин-қизлар ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 2 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 19 ноябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги 915–ХП-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–350-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 96-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда, № 10, 674-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 9, 588, 591-моддалар; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) 11-моддасининг биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **йигирма тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«фуқаролар йиғини худудида хотин-қизлар ва болаларга нисбатан тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган ёхуд бундай тазйиқ ўтказиш ва зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлашда, шунингдек бундай шахслар билан олиб бориладиган профилактика ишларида иштирок этади»;

2) 14-моддасининг биринчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **ўн тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«тазйиқ ва зўравонликка учраган ҳамда фуқаролар йиғинларига мурожаат қилган хотин-қизларни ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни белгилайди, шунингдек мазкур фактлар тўғрисида тегишли аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларини ҳамда ички ишлар органларини зудлик билан хабардор қилади»;

ўн тўртинчи — йигирманчи хатбошилари тегишинча **ўн бешинчи — йигирма биринчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ–561-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 декабрда эълон қилинган.

Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 9, 586-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) 9-модда:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«иш қидираётган ва оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан оилавий муаммоларга ва зўрлик ишлатилишига дуч келган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва касбга йўналтиришга кўмаклашиш чораларини кўради»;

бешинчи хатбошиси олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

2) 11-модданинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ҳамда уларнинг болаларига, шу жумладан аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларига келтирилган тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ҳамда уларнинг болаларига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни тиббий кўрикдан ўтказиш, шунингдек тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларни бепул даволаш чора-тадбирларини амалга оширади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 16 мартда қабул қилинган «**Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–611-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 3, 202-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **24-моддаси иккинчи қисмининг олтинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларида».

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 9 декабрь,
ЎРҚ–736-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

738 «Янги Ўзбекистон» массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида*

Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш, ҳудудларда замонавий шаҳар-созлик талаблари асосида кўп қаватли уй-жойлар, ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектлари ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқлари қурилишини жадаллаштириш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва аҳоли пунктларининг урбанизация жараёнларини ривожлантириш мақсадида:

1. Қурилиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг туман (шаҳар) марказларига яқин ва уй-жойга талаб юқори бўлган ҳудудларда Фарғона вилояти Бағдод туманида барпо этилган «Мурувват» массиви намунаси асосида «Янги Ўзбекистон» массивларини қуриш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2022 йилда қуриладиган «Янги Ўзбекистон» массивларининг манзилли рўйхати 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, «Янги Ўзбекистон» массивларида кўп қаватли уй-жойлар, муҳандислик-транспорт коммуникацияси, ижтимоий соҳа, ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари комплекс тарзда қурилади. Бунда:

кўп қаватли уй-жойларнинг қурилиш ости ер участкалари тадбиркорлик субъектларига электрон онлайн-аукцион орқали ижара ҳуқуқи асосида реализация қилинади;

кўп қаватли уй-жойларга туташ ер участкалари уй-жой қуриб битказилганидан кейин маҳаллий ижроия ҳокимлик органининг тегишли қарори билан кўп қаватли уй-жой мулкдорларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратиб берилади;

массивларда ташкил этиладиган ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини қуриш учун ер участкалари тадбиркорлик субъектларига белгиланган тартибда электрон онлайн-аукцион орқали мулк ва ижара ҳуқуқлари асосида реализация қилинади;

электрон онлайн-аукционда ғолиб деб топилган тадбиркорлик субъектларига кўп қаватли уй-жойлар қурилиши учун «ССС» ва ундан юқори рейтингга эга бўлган қурилиш ташкилотларини жалб қилишга рухсат этилади.

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 декабрда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ–5087-сон қарорига мувофиқ халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига олис ва чекка ҳудудларда жойлашган ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқини электрон онлайн-аукционга қўйишда ер участкасининг бошланғич нарҳини 50 фоизгача камайтириш ваколати берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. «Янги Ўзбекистон» массивларида ташқи муҳандислик-транспорт коммуникациялари ҳамда ижтимоий соҳа объектларини қуришда қўйидагилар:

а) буюртмачи этиб:

массивларнинг қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини бажариш, шунингдек, ижтимоий соҳа объектларини қуриш бўйича — тегишлигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари ҳамда «Янги Андижон» шаҳрида объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш дирекцияси» ДУК;

автомобиль йўлларини қуриш бўйича — Автомобиль йўллари кўмитаси;

иситиш қозонхоналари ва иссиқлик тармоқларини қуриш бўйича — Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги;

ичимлик ва оқова сув таъминоти тармоқларини қуриш бўйича — «Ўзсув-таъминот» АЖ;

электр ва газ таъминоти тармоқларини қуриш бўйича — «Худудий электр тармоқлари» АЖ ва «Худудгазтаъминот» АЖ;

алоқа тармоқларини қуриш бўйича — «Ўзбектелеком» АЖ белгилансин;

б) массивларни қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича бош лойиҳачи этиб «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «ТошуйжойЛИТИ» АЖ ва «ТошкентбошпланЛИТИ» ДУК белгилансин;

в) ташқи муҳандислик-транспорт коммуникациялари ҳамда ижтимоий соҳа объектлари қурилишини амалга оширувчи пудрат ташкилотлари давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ аниқлансин.

4. Белгилансинки, «Янги Ўзбекистон» массивларида қўйидаги ишлар:

массивларни қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ташқи автомобиль йўллари, ичимлик ва оқова сув таъминоти тармоқларини қуриш — Давлат бюджети маблағлари, ҳудудларда ташкил этиладиган тадбиркорлик инфра-тузилмасини ривожлантириш жамғармалари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;

ташқи электр ва газ таъминоти тармоқларини қуриш — «Худудий электр тармоқлари» АЖ ва «Худудгазтаъминот» АЖларнинг ўз маблағлари ҳамда асосланган ҳисоб-китобларга кўра Давлат бюджетидан ажратиладиган қисқа муддатли фоизли ссудалар ҳисобидан;

кўп қаватли уй-жойларни қуриш — тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;

худудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини бажариш — маҳаллий бюджет маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;

ижтимоий соҳа объектлари (мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, тиббиёт пунктлари, иситиш қозонхоналари ва бошқалар)ни қуриш — Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Бунда, ижтимоий соҳа объектлари давлат-хусусий шериклик асосида қурилганда, ушбу ишлар давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ бажарилади.

5. Молия вазирлиги (Ишметов) 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида ўзлаштирилмаган 300 млрд сўм миқдоридagi маблағларни тенг улушларда Молия вазирлиги ҳузуридаги Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказсин.

6. Ушбу Фармоннинг 2-иловасида* кўрсатилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган паст рентабелли 489 гектар ер майдонлари «Янги Ўзбекистон» массивларини қуриш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан тегишинча аҳоли пунктларининг ерлари ҳамда саноат мақсадларига мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини мазкур Фармонга мувофиқ олиб қўйиш сабабли қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ўрнини қоплаш бўйича компенсация тўловлари ундирилмайди;

ушбу ер участкаларидан мақсадли фойдаланилиши учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари шахсан жавобгар ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари қисқариб кетишининг олдини олиш мақсадида 2023 йил 1 январга қадар ушбу Фармон билан тоифаси ўзгараётган суғориладиган ер участкалари майдонининг беш баравари миқдориди янги ерлар ўзлаштирилишини таъминласин. Бунда, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган янги ер участкалари Кадастр агентлиги томонидан белгиланган тартибда ҳисобга олинганидан сўнг ўзлаштирилган ҳисобланади.

Кадастр агентлиги (Умаров) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев) билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари томонидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган янги ер участкалари ўз вақтида ва белгиланган миқдорда ўзлаштирилишини катъий назорат қилсин.

7. Қурилиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг «Янги Ўзбекистон» массивлари билан биргаликда олдинги йилларда барпо этилган массивларнинг бўш

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

турган ер участкаларида ҳам уй-жойларни куришни давом эттириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Вазирлар Маҳкамаси Қурилиш вазирлиги (Зокиров), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таклифларига асосан бир ой муддатда олдинги йилларда барпо этилган массивларнинг бўш турган ер участкаларида ва уй-жойга талаб юқори бўлган бошқа ҳудудларда қуриладиган уй-жойларнинг манзилли рўйхатини ва қурилиш параметрларини тасдиқласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тасдиқланган манзилли рўйхат асосида уй-жой куриш учун ер участкаларининг белгиланган тартибда электрон онлайн-аукционга чиқарилишини таъминласин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда «Янги Ўзбекистон» массивларини қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларда қурилиш ишларини ташкил этишга «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ ҳамда «Ўзшаҳар қурилиш инвест» ИК МЧЖларни жалб қилиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда 2022 йилда «Янги Ўзбекистон» массивларига туташ ва яқин ҳудудларда ташкил этиладиган кичик саноат зоналари ва технопарклар рўйхатини тасдиқласин.

10. Қурилиш вазирлиги (Закиров):

а) 2022 йил 1 июнга қадар 2023 — 2026 йилларда қуриладиган «Янги Ўзбекистон» массивларининг манзилли рўйхатини шакллантирсин ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

б) бир ой муддатда:

«Янги Ўзбекистон» массивларида қуриш учун таклиф этиладиган кўп қаватли уй-жойларнинг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва лойиҳа ечимларини ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштирсин;

кўп қаватли уй-жойлар қурилишида энергия тежамкор материаллардан фойдаланишни назарда тутувчи талабларни ишлаб чиқсин ва уларнинг шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига киритилишини таъминласин;

шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига кўп қаватли уй-жойларнинг ертўлаларини фойдали майдон сифатида ишлатиш бўйича тегишли ўзгартириш киритилишини таъминласин;

в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда кўп қаватли уй-жойларни лойиҳалаш ва қуришда белгиланган қурилиш нормалари ва қоидаларига, қурилиш-монтаж ва пардозлаш ишларини бажариш сифатига қатъий риоя этилиши бўйича ташкилий-техник тадбирлар амалга оширилиши ус-тидан тизимли назорат ўрнатсин;

г) тадбиркорлик субъектлари томонидан кўп қаватли уй-жойларни

қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари қонунчиликда белгиланган муддатларда тайёрланиши, келишилиши ва қурилиш ишлари бошланишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (Хаджаев) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (Кўчимов) Молия вазирлиги (Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мазкур Фармоннинг мазмун ва моҳияти оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилишини таъминласин.

12. Қурилиш вазирлиги (Закиров) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов) билан биргаликда бир ой муддатда уй-жой қурилиш кластерларини ташкил этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Бош прокуратура (Юлдашев) «Янги Ўзбекистон» массивлари қурилишида нархларнинг асосиз оширилиши, рақобат тўғрисидаги қонунчилик бузилиши ҳамда тасдиқланган лойиҳаларнинг ўзбошимчалик билан ўзгартирилишига йўл қўймаслик устидан таъсирчан назорат ўрнатсин.

14. Қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Д.К. Адиловга «Янги Ўзбекистон» массивларида қурилиш-монтаж ишларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, уларда маҳаллий замонавий қурилиш материаллари ва ускуналарини кенг қўллаш орқали уй-жойларнинг нархини пасайтириш ҳамда қурувчи ташкилотлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини ташкил қилишга масъул этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Ж. Раматов ва Ж.А. Қўчқоров, молия вазири Т.А. Ишметов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Фармоннинг ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳар чорак якуни бўйича ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 9 декабрь,
ПФ-32-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**739 Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Ипотека кредити бозорини янада ривожлантириш, аҳолининг уй-жойга бўлган юқори талабини қондириш, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар тақдим этиш ишларини давом эттириш, хусусий пудрат ташкилотларини замонавий кўп қаватли уйлар қурилишига кенг жалб этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги «Янги Ўзбекистон» массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–32-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2021 йил 10 декабрдан бошлаб бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш тартиби доирасида:

даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож фуқароларга Давлат бюджетидан субсидиялар тўлашда квартира майдонининг энг кўп меъёрини белгилаш амалиёти бекор қилинади;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан ҳар йили бир қарз олувчига ажратиладиган ипотека кредитининг энг кўп миқдори ва дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия миқдори тасдиқланади;

субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарномани олган шахслар ипотека кредити бўйича бошланғич бадалнинг уй-жой қийматининг камида 5 фоизига тенг бўлган қисмини ўз маблағлари ҳисобидан шакллантиради;

сотиб олинadиган квартира жойлашуви, қиймати ва майдонидан қатъи назар, дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар — қатъий белгиланган 32 миллион сўм миқдорида, фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар — биринчи беш йил давомида 10 фоизлик пунктдан ошган қисмига тўланади;

дастлабки бадал ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар сотиб олинаётган квартиранинг нархи ипотека кредитининг энг кўп миқдоридан ошган тақдирда ҳам тўланади. Бунда, сотиб олинadиган квартиранинг нархи ипотека кредитининг энг кўп миқдоридан ошган тақдирда, қийматнинг қолган қисми қарз олувчи томонидан ўз маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан дастлабки бадал суммасини ошириш орқали тўланади;

фуқароларга ипотека кредитини олишда, биргаликда қарз олувчи сифатида улар билан бирга яшамаётган ва яқин қариндоши бўлмаган бошқа шахсларни ҳам жалб қилиш ҳуқуқи берилади;

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 декабрда эълон қилинган.

Молия вазирлигининг ресурслари тижорат банкларига тўғридан-тўғри ёки «Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси» АЖ орқали жойлаштирилади;

тижорат банкларига қарз олувчи томонидан тўланган дастлабки бадал миқдори, унинг қарз юки кўрсаткичи, имтиёзли давр муддати ва бошқа кўрсаткичлардан келиб чиқиб, субсидиясиз ажратилган ипотека кредитлари бўйича табақалаштирилган фоиз ставкаларини ўрнатиш ҳуқуқи берилади.

2. Қўйидагилар:

2022 йилда квартиралар сотиб олиш ва якка тартибдаги уй-жойлар қуриш ҳамда реконструкция қилиш учун ипотека кредитлари ажратишнинг мақсадли кўрсаткичлари 1-иловага* мувофиқ;

2022 йилда ипотека кредитлари бўйича субсидиялар ажратишнинг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага* мувофиқ;

2022 йил учун бир қарз олувчига ажратиладиган ипотека кредитининг энг кўп миқдори ва дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун қатъий белгиланган субсидия миқдори 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига маҳаллий бюджет даромадларининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан ушбу Фармон билан тегишли ҳудуд учун белгиланган ипотека кредитлари ва субсидиялар сонини оширишга рухсат берилсин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун ер участкаларини ижарага бериш бўйича ўтказилган электрон онлайн-аукцион ғолибларига лот қийматининг 30 фоизини аукцион якунланган кундан бошлаб беш иш кунидан кечиктирмай, қолган қисмини 12 ой давомида тенг миқдорда фоизсиз бўлиб бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилади;

б) 2022 йил 1 январдан бошлаб пудрат ташкилотларига давлат рўйхатидан ўтказилган қурилиши тугалланмаган, том ёпиш ишлари бажарилган кўп квартиралар уй-жойларни кредит таъминоти сифатида гаровга тақдим этишга рухсат этилади;

в) 2023 йил 1 январга қадар:

цемент маҳсулоти (ТИФ ТН коди 2523) ва энергия тежамкор базальт копламалари (ТИФ ТН коди 6806 1000 08) импортида божхона божининг ноль ставкаси қўлланилади;

«Янги Ўзбекистон» массивларида, шунингдек, олдинги йилларда барпо этилган массивларда ва уларнинг бўш турган ер участкаларида уй-жой қурувчи ташкилотлар учун цемент ҳамда металл прокатини сотиш бўйича алоҳида биржа савдо секцияси жорий қилинади;

г) 2024 йил 1 январга қадар рўйхати 4-иловада* кўрсатилган янги қурилиш ва махсус техникалар ҳамда юк ташиш транспорт воситалари импортида божхона божи ва утилизация йиғимининг ноль ставкаси қўлланилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4701-сон қарори билан жорий этилган хусусий пудрат ташкилотлари-

* 1 — 4-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нинг тижорат банкларидан олган кредитлари бўйича Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан кафиллик ва компенсация тўлаш тартиби 2022 йил 31 декабрга қадар узайтирилсин.

Белгилаб қўйилсинки, кафиллик ва компенсациялар Тошкент шаҳрида — 9 ва ундан юқори, бошқа шаҳарларда — 7 ва ундан юқори, қишлоқ жойларда — 5 ва ундан юқори қаватли уй-жой қурилиши учун ажратилган ва битта уй-жой учун кредитнинг 10 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган қисми бўйича берилади.

Бунда, кафиллик ва компенсациялар қурилаётган кўп қаватли уй-жойдаги жами квартиралар сонининг камида 70 фоизи майдони 70 квадрат метрдан ошмаган квартиралар ташкил этганда берилади.

5. Белгилаб қўйилсинки:

а) 2021 йилда ипотека кредитлари бўйича субсидиялар ажратишнинг мақсадли параметрлари доирасида:

субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарномани олиш бўйича аризалар 2021 йил 20 декабргача қабул қилинади ва 2021 йил 25 декабргача кўриб чиқилади;

субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарномалар улар берилган вақтдан бошлаб 12 ой давомида амал қилади;

субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарномани олган шахсларга ипотека кредитлари ва субсидиялар 2021 йил 10 декабрга қадар амалда бўлган шартлар ва миқдорларда ажратилади;

субсидиялар сотиб олинаётган квартиранинг майдони ва нархи 2021 йил учун ўрнатилган квартира майдонининг энг кўп меъёри ва уй-жойнинг ҳисобланган қийматидан ошган тақдирда ҳам тўланади. Бунда, сотиб олинadиган квартиранинг нархи уй-жойнинг ҳисобланган қийматидан ошиб кетган тақдирда, қийматнинг қолган қисми қарз олувчи томонидан ўз маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан тўланади;

б) 2022 йил учун ипотека кредитлари бўйича субсидиялар ажратишнинг мақсадли параметрлари доирасида аризалар 2021 йил 25 декабрдан бошлаб қабул қилинади.

6. Молия вазирлиги (Ишметов) Марказий банк (Нурмуратов) ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев) билан биргаликда 2022 йил 1 июлга қадар илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, «мақсадли ипотека омонати» механизмини жорий қилиш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. 2022 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари маҳаллий бюджет даромадларининг ошириб бажарилган қисми ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан бирламчи ва иккиламчи уй-жой бозорида 5-иловага* мувофиқ 1 000 та квартира сотиб олиш чораларини кўрсин.

Белгилансинки, мазкур бандга мувофиқ сотиб олинган квартиралар уй-

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган шахслар, етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларга белгиланган тартибда ажратилади.

8. Қурилиш вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йилда фуқароларнинг алоҳида тоифалари учун 4 000 та квартирадан иборат бўлган кўп қаватли уй-жойлар қуриш ва ушбу ишлар бўйича буюртмачи этиб «Ўзшаҳар қурилиш инвест» ИК МЧЖни белгилаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда 2022 йилда фуқароларнинг алоҳида тоифалари учун кўп қаватли уй-жойлар қуришнинг асосий параметрларини ҳамда қуриш учун ажратиладиган ер майдонларининг манзилли рўйхатини тасдиқласин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

а) бир ой муддатда Тошкент шаҳрида камида 5 та, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда камида 2 тадан ипотека хизматларини кўрсатиш марказларини ташкил қилсин;

б) ушбу марказларда:

уй-жойлар қурилишини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари, қурилаётган кўп квартиралар уй-жойлар, улардаги квартиралар сони, майдони, қиймати ва жойлашуви, кредит олиш мумкин бўлган тижорат банклари ва улар томонидан бериладиган кредитларнинг шартлари тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини;

субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарномаларни бериш, уй-жой олди-сотдиси ва ипотека кредити шартномаларини расмийлаштириш, уй-жойга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш хизматлари кўрсатилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (Хаджаев) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (Кўчимов) Молия вазирлиги (Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мазкур Фармоннинг мазмун ва моҳияти оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 6-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини ташкил қилишга масъул этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Ж. Раматов ва Ж.А. Қўчқоров, молия вазири Т.А. Ишметов ва қурилиш вазири Б.И. Закиров, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Фармоннинг ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбе-

кистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳар чорак якуни бўйича ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 9 декабрь,
ПФ-33-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги
ПФ-33-сон Фармонига
6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5886-сон Фармонида:

а) 3-банднинг «а» кичик бандида:

учинчи хатбошидаги «танлов савдолари» сўзлари «электрон онлайн аукцион савдолари» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи — саккизинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи — еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«кўп қаватли уй-жойларнинг қурилиш ости ер участкалари тадбиркорлик субъектларига электрон онлайн-аукцион орқали ижара ҳуқуқи асосида лотларга бўлинган ёки яхлит кўринишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сон Фармонига мувофиқ реализация қилинади»;

бешинчи хатбошидаги «танлов савдоларида» сўзлари «электрон онлайн-аукцион савдоларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-бандда:

биринчи хатбошидаги «шаҳарларда ва қишлоқ жойларда уй-жой ҳисобланган қийматининг 85 фоизидан» сўзлари «ҳар йили тасдиқланадиган ипотека кредитининг энг кўп миқдоридан» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ипотека кредитининг энг кўп миқдори ҳар йили Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан Молия вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги билан келишган ҳолда уй-жойнинг ҳисобланган қийматидан келиб чиқиб белгиланади ва ҳар олти ойда қайта кўриб чиқилади»;

тўртинчи хатбошидаги «уй-жойнинг ҳисобланган қийматидан» сўзлари «ипотека кредитининг энг кўп миқдоридан» сўзлари билан алмаштирилсин; в) 6-бандда:

биринчи — учинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Белгилансинки, янги тартиб доирасида:

субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарномани олган шахслар ипотека кредити бўйича бошланғич бадалнинг уй-жой қийматининг камида 5 фоизига тенг бўлган қисмини ўз маблағлари ҳисобидан шакллантиради;

сотиб олинadиган квартира жойлашуви, қиймати ва майдонидан қатъи назар, ипотека кредити бўйича дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар — қатъий белгиланган 32 миллион сўм миқдоридан, фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар — кредит муддатининг биринчи беш йили давомида 10 фоизлик пунктдан ошган қисмига тўланади;

дастлабки бадал ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар сотиб олинаётган квартиранинг нархи ипотека кредитининг энг кўп миқдоридан ошган тақдирда ҳам тўланади. Бунда, сотиб олинadиган квартиранинг нархи ипотека кредитининг энг кўп миқдоридан ошган тақдирда, қийматнинг қолган қисми қарз олувчи томонидан ўз маблағлари ва қонунчиликда белгиланган бошқа маблағлар ҳисобидан дастлабки бадал суммасини ошириш орқали тўланади»;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги «Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6186-сон Фармонида:

а) 1-бандда:

тўртинчи хатбошидан «шаҳарларда ва қишлоқ жойларда» сўзлари чиқариб ташлансин;

бешинчи — еттинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ипотека кредитининг энг кўп миқдори ва дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия миқдори ҳар йили Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан Молия вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги билан келишган ҳолда уй-жойнинг ҳисобланган қийматидан келиб чиқиб белгиланади ва ҳар олти ойда қайта кўриб чиқилади;

сотиб олинadиган квартира жойлашуви, қиймати ва майдонидан қатъи назар, ипотека кредити бўйича дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар — қатъий белгиланган 32 миллион сўм миқдорда, фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар кредит муддатининг биринчи беш йили давомида 10 фоизлик пунктдан ошган қисмига тўланади;

ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар сотиб олинаётган квартиранинг нархи ипотека кредитининг энг кўп миқдоридан ошган тақдирда ҳам тўланади. Бунда, сотиб олинadиган квартиранинг нархи ипотека кредитининг энг кўп миқдоридан ошган тақдирда, қийматнинг қолган қисми қарз олувчи томо-

нидан ўз маблағлари ва қонунчиликда белгиланган бошқа маблағлар ҳисобидан дастлабки бадал суммасини ошириш орқали тўланади»;

б) 2-банднинг бешинчи хатбошисидаги «2021 йил 1 октябрга» сўзлари «2022 йил 1 январга» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 14-бандда:

«а» кичик банддаги «9» рақами «7» рақами билан алмаштирилсин;

«е» ва «ж» кичик бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«е) 2023 йил 1 январга қадар:

«Янги Ўзбекистон» массивларида, шунингдек, олдинги йилларда барпо этилган массивларда ва уларнинг бўш турган ер участкаларида уй-жой қурувчи ташкилотлар учун цемент ҳамда металл прокатини сотиш бўйича алоҳида биржа савдо секцияси жорий қилинади;

цемент маҳсулотини (ТИФ ТН коди 2523) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона божининг ноль ставкаси қўлланилади.»;

г) 17-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

д) 19-банддаги «2021» рақами «2022» рақами билан алмаштирилсин;

е) 2-илова* қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги «Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4701-сон қарорининг 10-бандида:

а) биринчи хатбошида:

«2021» рақами «2022» рақами билан алмаштирилсин;

«шаҳар ва қишлоқ жойларида 4 ва ундан юқори қаватли ҳамда Тошкент шаҳрида 7» сўзлари «шаҳарларда 7 ва ундан юқори, қишлоқ жойларида 5 ва ундан юқори ҳамда Тошкент шаҳрида 9» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) учинчи ва тўртинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ставкасининг 1,75 бараваридан ошмайдиган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошадиган, бироқ 10 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун кредитнинг бутун даври, бироқ кредит олинган кундан бошлаб 24 ойдан ортиқ бўлмаган муддат давомида компенсация тўланади. Бунда:

компенсация битта уй-жой учун кредитнинг 10 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган қисми бўйича тўланади;

кафиллик ва компенсациялар қурилаётган кўп қаватли уй-жойдаги жами квартиралар сонининг камида 70 фоизи майдони 70 квадрат метрдан ошмаган квартиралар ташкил этганда берилади».

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**740 Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий ва молиявий механизмларини такомиллаштириш, бу жараёнга жамоатчиликни жалб қилиш ҳамда коррупциянинг олдини олиш бўйича идоралараро ҳамкорлик самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Коррупцияга қарши курашиш агентлигига (кейинги ўринларда — Агентлик) қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида очиқликни таъминлашга оид материалларни тайёрлаш учун буюртмалар бериш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларини ҳамда бу борада ўтказиладиган тадқиқотларини ва ижтимоий сўровларини молиялаштириш;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўмаклашиш.

2. Агентликда унга юклатилган вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни молиялаштиришга қўмаклашувчи, юридик шахс мақомига эга бўлмаган Жамоатчилик назоратини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин.

Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

хар йили Давлат бюджети параметрларида назарда тутиладиган маблағлар;

бўш турган маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

халқаро ташкилотларнинг грантлари ҳамда маблағлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

3. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг Жамоатчилик назоратини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки, 2022 йил 1 январдан бошлаб:

а) Агентлик ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқлардан фойдаланади:

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг электрон маълумотлар базаларидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга доир маълумотларни олиш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 7 декабрда эълон қилинган.

тадқиқотлар ва маъмурий суриштирувлар ўтказиш ҳамда таҳлилий материаллар тайёрлаш бўйича қўшма ишчи гуруҳларини тузиш;

хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жиноят ишини қўзғатиш ёки бошқа таъсир чораларини кўриш учун коррупция фактлари тўғрисидаги хабарларни юбориш ва ушбу хабарларни текшириш натижалари бўйича қабул қилинган қарор тўғрисида маълумотни талаб қилиб олиш;

оммавий резонанс ва муҳокамалар, яъни жамиятнинг маълум бир ҳоди-сага нисбатан ҳиссий муносабатига сабаб бўлган, жамоатчилик эътибори-ни тортган ва турли баҳс-мунозараларни келтириб чиқарган коррупцияга оид фактлар бўйича ишни кўриб чиқаётган хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда матбуот анжуманлари ўтказиш;

б) Агентлик томонидан хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда коррупциявий жиноятлар борасида жамоатчиликни хабардор қилинишининг қўйидаги тартиби ўрнатилади:

оммавий резонанс ва муҳокамалар, яъни жамиятнинг маълум бир ҳоди-сага нисбатан ҳиссий муносабатига сабаб бўлган, жамоатчилик эътибори-ни тортган ва турли баҳс-мунозараларни келтириб чиқарган коррупцияга оид фактлар акс этган хабарлар бўйича — ўн кун муддатда;

бошқа коррупциявий жиноят ва хуқуқбузарликлар тўғрисида — ҳам-кор органлар билан келишувга кўра ҳар чорак ёки ярим йиллик яқунлари бўйича;

коррупцияга оид жиноятчилик ҳолати, тенденциялари, содир бўлиш сабаб ва шарт-шароитлари, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича кўрилади чоралар тўғрисида — йил якуни бўйича.

5. Молия вазирлиги:

Жамғармага Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан 2021 йил учун 1,8 млрд сўм ажратилишини таъминласин;

2022 йилдан бошлаб ҳар йили Агентликнинг асосланган ҳисоб-китобла-рига мувофиқ Давлат бюджети параметрларида алоҳида модда билан Жам-ғарма маблағларини шакллантириш учун зарур маблағларни назарда тут-син.

6. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги-нинг хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш тарти-би тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Агентлик 2022 йил 1 январдан бошлаб фуқароларга коррупция ҳақида тезкор хабар бериш имконини берувчи туну-кун фаолият юритадиган «Call-марказ»ни ишга туширсин.

8. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар қилиб Агентлик директори А.Э. Бурханов белгилан-син.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идора ва

ташкilotлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 7 декабрь,
ПҚ-34-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 7 декабрдаги
ПҚ-34-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш
агентлигининг Жамоатчилик назоратини ривожлантириш
жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан
фойдаланиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг Жамоатчилик назоратини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, давлат органлари ва ташкilotлари фаолияти очиқлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

3. Жамғарма маблағлари Коррупцияга қарши курашиш Агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) Молия вазирлиги Ғазначилигида белги-ланган тартибда очиладиган миллий валютадаги шахсий ғазна ҳисобварақларида жамланади.

2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш тартиби

4. Жамғарма маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

ҳар йили Давлат бюджети параметрларида назарда тутилган маблағлар;

бўш турган маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

ҳалқаро ташкilotларнинг грантлари ҳамда маблағлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

3-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тартиби

5. Жамғарма маблағларидан ҳар йили Агентлик томонидан тасдиқланадиган, Молия вазирлиги билан келишилган даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ равишда фойдаланилади.

6. Жамғарма маблағларидан қўйидаги мақсадларда фойдаланилади:

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида очиқликни таъминлашга оид материалларни тайёрлаш учун буюртмалар бериш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларини ҳамда бу борада ўтказиладиган тадқиқотларини ва ижтимоий сўровларини молиялаштириш;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлиги мавзусида конференция, семинар, симпозиум, тренинглар ўтказиш ҳамда брошюра, буклет, китоб, тўплам ва бошқа ахборот-маърифий материалларни тайёрлаш ва нашр этиш;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини, шу жумладан хорижда ошириш;

фуқароларга коррупция ҳақида тезкор хабар бериш имконини берувчи туну-кун фаолият юритадиган Агентликнинг «Call-марказ» фаолиятини молиялаштириш;

Агентликнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

Агентликнинг ходимларини моддий рағбатлантириш;

Агентликка юкланган вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа харажатларни қоплаш.

7. Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметаси келгуси йилда келиб тушиши кутилаётган маблағлар доирасида ва бажарилиши лозим бўлган тадбирлардан келиб чиқиб тузилади.

8. Агентлик директори Жамғарма маблағларини тасарруф этувчи ҳисобланади.

4-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш ҳисоби, ҳисоботи ва назорати

9. Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши ҳисоби Агентлик томонидан алоҳида юритилади, ҳар чорак ва йил якуни бўйича ҳисоботлар тузилади.

10. Бухгалтерия ҳисобининг тўғри юритилиши, Жамғармага маблағлар келиб тушиши ва унинг сарфланиши ҳақидаги ҳар чорак ва йил якуни бўйича тузиладиган ҳисоботларни тайёрлаш ҳамда уларни Молия вазирлигига ўз вақтида тақдим қилишга Агентликнинг бухгалтерияси жавобгар ҳисобланади.

11. Жамғарма маблағларидан оқилона ва мақсадли фойдаланиш юзасидан назорат Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти томонидан амалга оширилади.

5-боб. Яқунловчи қоида

12. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 7 декабрдаги
ПҚ-34-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш
агентлигининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан
ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро идоралараро муносабатларини амалга ошириш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом доирасидаги ўзаро алоқалар тегишли индивидуал ва тизимли ишлар бўйича маълумот алмашиш, электрон маълумотлар базаларига кириш, қўшма ишчи гуруҳларини тузиш, биргаликда ўқув ва илмий-тадқиқот ҳамда бошқа тадбирларни ўтказишни ўз ичига олади.

Ушбу Низом Агентликнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлигида ўз вақтидалик, самарадорлик ва натижадорликни таъминлашга ҳамда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек, ушбу соҳада кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамоатчиликни ўз вақтида хабардор қилишга қаратилган.

2. Ушбу Низом доирасида Агентлик қуйидаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилади:

Бош прокуратура;

Давлат хавфсизлик хизмати;

Давлат божхона қўмитаси;

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти;

Ички ишлар вазирлиги;

Адлия вазирлиги;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга кўра, қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш ва текшириш вазифаси юклатилган, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга ваколатли бўлган бошқа органлар.

3. Агентлик ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан қўйидаги йўналишларда ҳамкорлик қилади:

мамлакатда коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

вазирлик ва идораларнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш самарадорлигини таъминлаш;

бюджет маблағлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг қарзларидан фойдаланиш, давлат активларини реализация қилиш ва давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши назорат тизимининг самарадорлигини таҳлил қилиш, шунингдек, уни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ахборот тарқатиш, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминлаш;

коррупциянинг ҳолати, ривожланиши ва сабабларини аниқлаш мақсадида социологик, илмий ва бошқа тадқиқотларни ташкил этиш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.

4. Ушбу Низом доирасида ўзаро ҳамкорлик қўйидаги шаклларда амалга оширилади:

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида маълумот алмашиш;

коррупция фактлари бўйича жиноят ишлари, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар, шунингдек, коррупция фактларига муносабат билдириш бўйича кўрилган чоралар тўғрисида маълумот алмашиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг электрон маълумотлар базаларидан Агентликнинг ваколатли ходимлари коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга оид маълумотларни олиши учун шароит яратиш;

тадқиқотлар ва маъмурий суриштирувлар ўтказиш ҳамда таҳлилий материаллар тайёрлаш бўйича қўшма ишчи гуруҳларини тузиш;

статистик маълумотлар алмашиш;

жамоатчилик эътиборини тортган коррупция тўғрисидаги фактларга оид мавжуд маълумотларни биргаликда ўрганиш ва нашр этиш.

5. Агентлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ўзаро ҳамкорлик жараёнида давлат сирларини, тижорат ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирларни ташкил этувчи маълумотларни ошкор қилмаслиги шарт.

2-боб. Коррупциянинг олдини олиш соҳасида ягона давлат сиёсати борасидаги ўзаро ҳамкорлик

6. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар Агентлик томонидан юборил-

ган жиноят ишини кўзгатиш ёки бошқа таъсир чораларини кўриш учун ўзларига юборилган коррупция фактлари тўғрисидаги хабарларни кўриб чиқиб, унинг натижалари бўйича Агентликка хабар беради.

Агентлик оммавий резонанс ва муҳокамалар, яъни жамиятнинг маълум бир ҳодисага нисбатан хиссий муносабатига сабаб бўлган, жамоатчилик эътиборини тортган ва турли баҳс-мунозараларни келтириб чиқарган коррупцияга оид фактлар акс этган хабарлар (кейинги ўринларда — муҳокамага сабаб бўлган ҳуқуқбузарликлар) ҳақидаги масалаларнинг кўриб чиқилиши билан боғлиқ маълумотларни сўраб олиши мумкин.

7. Агентлик ишни кўриб чиқаётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда муҳокамага сабаб бўлган ҳуқуқбузарликлар юзасидан жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида, процессуал қонунчилик талабларига риоя қилган ва тергов сирларини ошкор қилмаган ҳолда, матбуот анжуманлари ўтказиши мумкин.

8. Агентлик ушбу Низомнинг 2-бандида кўрсатилган органлар билан ҳамкорликда муҳокамага сабаб бўлган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида 10 кунда, қолган коррупциявий жиноят ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ҳамкор органларнинг келишувига асосан муайян муддатда (чорак ва ярим йиллик якунлари) ёхуд ҳар йили процессуал қонунчиликка мувофиқ тергов сирлари, шунингдек, давлат сири ёки қонун ҳужжатлари билан муҳофаза қилинадиган бошқа маълумотларни ошкор қилмаган ҳолда, коррупцияга оид жиноятчилик ҳолати, тенденциялари, содир бўлиш сабаб ва шарт-шароитлари, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида йил якуни юзасидан жамоатчиликни хабардор қилади.

3-боб. Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги мурожаатлар юзасидан ҳамкорлик

9. Агентликка жисмоний ва юридик шахслардан коррупциявий жиноят аломатлари мавжудлиги тўғрисида мурожаатлар келиб тушган тақдирда, ушбу мурожаат жиноят ва ҳуқуқбузарлик аломатларини тасдиқловчи ҳолатлар, яъни хизмат хати ёки тасдиқланган телефонограмма, телеграмма ёхуд радиogramма илова қилинган ҳолда Бош прокуратурага ҳолат бўйича жиноят иши кўзгатиш масаласини ҳал қилиш учун йўналтирилади.

Бош прокуратура ва Агентлик ўртасида мурожаатлар бўйича ҳамкорлик ҳамда улар юзасидан масъул шахслар белгиланади.

4-боб. Бюджет маблағлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг қарзларидан фойдаланиш, давлат активларини реализация қилиш ва давлат харидлари бўйича қонунбузарликлар тўғрисидаги хабарларни ўрганиш соҳасидаги ҳамкорлик

10. Бюджет маблағлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар-

нинг қарзларидан фойдаланиш, давлат активларини реализация қилиш ва давлат харидлари бўйича қонунбузарликлар тўғрисидаги хабарларни ўрганиш жараёнида Агентлик қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан ўрганиш предметига оид маълумотларни сўраб олиш;

аниқ фактлар бўйича текширув ўтказиш ҳақида сўров юбориш ва текширув натижалари тўғрисидаги ахборотни олиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг очик электрон маълумотлар базаларидан фойдаланиш.

11. Агентлик ўз ваколатлари доирасида ўтказган ўрганиш материаллари бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидагилар ҳақида таклифларни киритади:

жиноят ишини қўзғатиш;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатиш;

интизомий ҳуқуқбузарликка оид иш қўзғатиш ёки бошқа тегишли чораларни кўриш.

12. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бюджет маблағлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг қарзларидан фойдаланиш, давлат активларини реализация қилиш ва давлат харидлари бўйича қонунбузарликлар доирасида жинорий ёки маъмурий иш қўзғатган тақдирда, электрон маълумотлар базаларидан Агентликнинг ваколатли ходимларига ушбу ахборотларни олиш имкониятини яратади.

Агентлик ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан кўриб чиқилган, бюджет маблағлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг қарзларидан фойдаланиш, давлат активларини реализация қилиш ва давлат харидлари соҳасидаги қонунбузарликларга оид ишлар бўйича мустақил равишда маъмурий суриштирув ўтказиш ҳамда ўрганиш натижалари ҳақидаги маълумотларни тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юбориш ҳуқуқига эга.

5-боб. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик

13. Агентлик жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, оммавий ахборот воситаларининг хабарларини ўрганиш асосида, шунингдек, ўз ташаббуси билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки уларнинг лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ташкил этишга ҳақлидир.

Агентликнинг сўровига биноан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар сўров келиб тушган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг лойиҳаси юзасидан коррупцияга қарши экспертиза ўтказиши ва коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларнинг мавжудлиги тўғрисида ўз хулосасини тақдим қилади.

14. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки уларнинг лойиҳалари бўйича

коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш учун Агентлик ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакилларини жалб қилган ҳолда, ишчи гуруҳи тузишга ҳақли.

Агентликнинг сўровига биноан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар уч кун муддатда ўз вакилларини коррупцияга қарши экспертиза бўйича ишчи гуруҳида иштирок этиш учун юборади.

15. Адлия вазирлиги бюджет маблағлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг қарзларидан фойдаланиш, давлат активларини реализация қилиш ва давлат харидлари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси натижалари бўйича коррупция билан боғлиқ фактларни аниқлаган тақдирда, Агентликни бу ҳақда хабардор қилади ҳамда ҳуқуқий хулоса нусхасини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими (project.gov.uz) орқали юборади.

6-боб. Яқуний қоидалар

16. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва Агентлик маълумот алмашиш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиши мумкин.

17. Агентлик ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик доирасида олган маълумотларни тўплайди, сақлайди, қайта ишлайди ҳамда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил қилиш мақсадида ушбу маълумотлардан фойдаланади.

18. Агентлик мазкур Низом ижросини ҳар йили таҳлил қилиб боради ва заруратга қараб алоқаларни янада такомиллаштириш бўйича ўз таклифларини беради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**741** **Маданият ва санъатни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида***

Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш, хорижий давлатлар ва ташкилотлар билан маданият ва санъат соҳаларида алоқаларни мустаҳкамлаш, жамғармага ажратилган маблағлардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида:

1. Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси амалдаги молиялаштириш тартиби ва штатлар сони сақланган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) этиб қайта ташкил қилинсин.

Жамғарма Вазирлар Маҳкамасининг Туризм, спорт, маданият ва оммавий коммуникациялар масалалари котибияти таркибига киритилсин.

2. Қуйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари этиб белгилансин: молиявий, ташкилий ва ижодий йўналишларда комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш асосида маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга кўмаклашиш, шунингдек, маданият арбобларини ҳамда тасвирий санъат, адабиёт, театр, мусиқа ва хореография соҳаларида уларнинг ташаббуси билан ташкил этиладиган тадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

халқаро ва давлатлараро маданий алоқаларни кенгайтириш, маданият ва санъат соҳасида халқаро маданий ташкилотлар ва хайрия жамғармалари билан ҳамкорликни ривожлантириш, хорижий сармоя ва грантларни жалб этиш, мамлакатимизда маданият ва санъатга доир ҳомийликни ривожлантиришга кўмаклашиш;

маданиятлараро ижодий мулоқотни йўлга қўйиш ва ўзбек санъатининг жаҳон бадий ва маданий маконига интеграциялашувига кўмаклашиш, шунингдек, мамлакатимизнинг маданий ва илмий-техник салоҳияти ҳамда рақобатбардошлиги билан боғлиқ жиҳатларни намойиш этиш;

маданият ва санъат соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, шу билан бирга, маданият ва санъат муассасаларини зарур адабиётлар ва даврий нашрлар билан таъминлаш;

хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимиз музейлари ва бошқа маданий муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш тизимини такомиллаштиришга кўмаклашиш;

халқаро стандартларга мувофиқ янги маданий муассасалар қуриш учун молиявий маблағ ва кўмак бериш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 9 декабрда эълон қилинган.

маданият ва санъат муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларни капитал ҳамда жорий таъмирлаш;

халқаро институтлар, хорижий мамлакатлар ҳукуматлари, ҳомийлар ва донорлар билан ҳамкорликда лойиҳаларни биргаликда молиялаштиришни ташкил этишни таъминлаш;

жаҳондаги илғор тажрибаларни мамлакатимизда жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлаш мақсадида маданият ва санъат соҳасини молиялаштириш бўйича ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш;

аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажмини кўпайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

қонунчиликда белгиланган манбалардан тушаётган маблағларни жамғаришни таъминлаш;

ажратилаётган мақсадли маблағлардан тўғри, самарали ва мақсадли фойдаланиш устидан тизимли назорат ўрнатиш;

Жамғарма ва унинг тизимида фаолият кўрсатаётган ходимларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича тадбирлар учун мақсадли маблағлар ажратиш.

3. Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари (шу жумладан баённома қарорларига) асосан ажратиладиган республика бюджети маблағлари;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини молия ташкилотларида жойлаштиришдан олинган даромадлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳамда халқаро ташкилотларнинг ҳомийлик хайриялари, меценатлик кўмаги, грантлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Жамғарма икки ой муддатда мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб Жамғарма фаолиятини ташкил қилиш, шу жумладан унинг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Жамғарма Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган бинога текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 9 декабрь,
ПҚ-36-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги
ПҚ-36-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6000-сон Фармонида:

а) 6-банднинг учинчи хатбошисидаги «Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 8-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда, хусусий театрларда сахналаштирилган ҳамда ижро этилган асарлар учун муаллифлик ҳақи тўлаш ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилиши белгилансин».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузурида Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3325-сон қарорига:

а) номланишида «Маданият вазирлиги» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-банддаги «Маданият вазирлиги» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2 ва 3-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) 4-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Жамғарма Адлия вазирлиги, Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йил 1 февралга қадар қуйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

Жамғармага меценатлик кўмаги ҳисобидан тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат бериш;

Жамғарма томонидан меценатлик кўмаги орқали амалга ошириладиган лойиҳаларда чет эллик контрагентларни солиқлар ва тўловлардан озод қилиш»;

д) қуйидаги мазмундаги 4¹-банд билан тўлдирилсин:

«4¹. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида миллий валютадаги шахсий ғазна ҳисобварақларига ҳамда миллий ва хорижий валютада банк ҳисобварақларига эга бўлади»;

е) 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Манфаатдор вазирлик ва идоралар бир ой муддатда улар томонидан қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин»;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами, 2021 й.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 3 декабрда эълон қилинган.

ж) 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

з) 2-илованинг 2 ва 3-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги «Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3920-сон қарорининг 1-бандидаги «Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

742 Иқтисодиёт тармоқлари учун муҳандис кадрларни тайёрлаш тизимини инновация ва рақамлаштириш асосида тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Кейинги йилларда чекланган сув захираларидан самарали фойдаланиш, кишлоқ хўжалиги ерлари биофондини тиклаш, шўрланган ва эрозияга учраган майдонларни қайта фойдаланишга киритиш, экотизимлар биологик хилма-хиллигини сақлаб қолиш, «яшил энергетика» ва агротехнологиялар каби муҳим йўналишларда таълим, илмий тадқиқот ва ишланмалар трансферини самарали йўлга қўйиш талаб этилмоқда.

Бундай долзарб глобал муаммоларни ечиш учун инвестициялар ва илмий тадқиқотларни кенгайтириш, рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали илмий салоҳиятни янги босқичга кўтариш ҳамда ишланмаларни амалиётда қўллашга қодир бўлган муҳандисларни тайёрлаш масалалари устувор аҳамият касб этади.

Республикада инновацион таълим ва технологиялар трансферини қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш, таълим ва ишлаб чиқаришни узвий боғлаш, олий таълим муассасалари фаолият йўналишларини тубдан такомиллаштириш, уларнинг халқаро нуфузини ошириш, самарали бошқарув тизимини ташкил этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар ижросини изчил таъминлаш мақсадида:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 11 декабрда эълон қилинган.

1. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университети (кейинги ўринларда — Университет) деб қайта номлансин.

2. Қуйидагилар Университетнинг асосий фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

гидроэнергетика, ирригация тизимларини бошқариш, сув хўжалиги объектлари қурилиши, кадастр ва геоинформатика, «яшил иқтисодиёт», «яшил энергетика», экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, рақамли технологиялар тармоқлари учун олий маълумотли муҳандис кадрларни тайёрлаш;

суғориш тизимлари самарадорлигини ошириш, тежамкор суғориш технологияларини яратиш, «рақамли қишлоқ хўжалиги» ва геоахборот тизимлари асосида ерларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолашни йўлга қўйиш ҳамда тупроқ унумдорлигини оширишнинг такомиллашган усулларини ишлаб чиқиш;

замонавий ўқув ва илмий-лаборатория базасини шакллантириш, уни илғор технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда соҳани ривожлантиришга қаратилган илмий-инновацион тадқиқотларни кенгайтириш ва уларнинг трансфери бўйича самарали тизимни шакллантириш;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижадорлигини ошириш, сув ресурсларини ҳисобга олиш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш, гидротехника иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишни рақамлаштириш борасида илмий ечимларни ишлаб чиқиш;

илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича узлуксиз таълим тизимини яратиш;

етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурлари ва илмий лойиҳаларни жорий этиш, Университет профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш, битирувчиларнинг республика ва хорижий олий таълим муассасаларида (илмий марказларда) магистратура ва докторантура дастурлари бўйича таҳсил олишларини ташкил этиш;

ўқув жараёнини талабаларда мустақил таълим олиш, тизимли таҳлил қилиш, ижодий фикрлаш ва амалий, жумладан тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтириш;

ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларини жорий этиш, таълим ва тадқиқотни уйғунлаштириш орқали иқтисодиёт тармоқлари учун энг илғор инновацион технологияларни ишлаб чиқиш;

тасарруфидаги ихтисослаштирилган таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

Белгилансинки, Университет гидроэнергетика, ирригация, мелиорация, қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологиялар, сув тежовчи суғориш технологиялари, қайта тикланувчи энергия манбалари, геодезия ва геоинформатика, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси

йўналишларида кадрлар тайёрловчи таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади.

3. Университет фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича бошқарув кенгаши (кейинги ўринларда — Бошқарув кенгаши) ташкил этилсин ва унинг таркиби 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Бошқарув кенгашига (С.У. Умурзаков):

а) қуйидаги вазифалар юклатилсин:

Университетнинг молиявий йил учун мўлжалланган бизнес-режасини, узоқ ва ўрта муддатли стратегик ривожлантириш дастурини, даромад ва харажатлар параметрларини тасдиқлаш ҳамда уларнинг ижросини муҳокама қилиш;

Фанлар академияси илмий муассасалари ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда илмий мактабларни ривожлантириш;

қишлоқ ва сув хўжалиги технологиялари йўналишида таълим, илмий тадқиқот ва ишланмалар трансфери жараёнларини ривожлантириш ҳамда илмий тадқиқот ва инновацион ишланмалар бўйича буюртмачилар билан манфаатли ҳамкорликни ўрнатиш;

илмий маҳсулотларни тижоратлаштириш, стартап ва акселератор фаолиятларини йўлга қўйиш;

таълим ва тадқиқот жараёнларига инвестицияларни жалб этиш, етакчи хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан самарали алоқаларни ўрнатиш;

б) қуйидаги ваколатлар берилсин:

иктисодиёт тармоқларининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда янги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини очиш, шунингдек, тўлов-контракт асосида ўқишга қабул параметрларини белгилаш;

ўқув-илмий жараёнларга жалб этилган хорижий мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб белгилаш;

Университет ва унинг тасарруфидаги таълим ташкилотлари тузилмаларини тасдиқлаш;

Университетнинг ташкилий тузилмасига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган янги лавозим ва таркибий бўлинмалар ҳамда қўшимча штат бирликларини жорий этиш.

4. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигининг Университетда Трансформация офисини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Трансформация офиси қуйидагилар учун масъул этиб белгилансин:

Университетни трансформация қилиш ва комплекс ривожлантириш дастурини амалга ошириш ҳамда 2025 йилга қадар халқаро тан олинган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингида биринчи 1000 талик рўйхатга киритиш;

Университетни танитиш бўйича миллий ва хорижий оммавий ахборот

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

воситалари, Интернет тармоғи ва бошқа воситалар орқали тарғибот тадбирларини ўтказиш ва реклама қилиш;

Университетдаги турли ҳисобот ва маълумотлар сонини кескин камайтириш, уларни тайёрлашда қоғоз шаклидан воз кечиш, бошқарув тизими ва ўқув жараёнлари, кутубхона ва ҳужжатлар айланмасини рақамлаштирувчи «Рақамли Университет» платформасига тўлиқ ўтишини таъминлаш.

Белгилансинки, Трансформация офиси раҳбари лавозими, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари ва миқдорлари бўйича Университет проректорига тенглаштирилади.

5. Университетга 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб қуйидаги ваколатлар берилсин:

а) академик мустақиллик соҳасида:

ўқув режалари, ўқув дастурлари, малака талабларини касбий стандартлар асосида тасдиқлаш, таълим тилини ҳамда таълим йўналишлари ва мутахассисликлари хусусиятларини инobatга олган ҳолда таълим олиш шаклини белгилаш;

илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар тузиш ва уларнинг таркибини тасдиқлаш;

тегишли ихтисосликларда илмий унвон ва илмий даражаларни бериш ҳамда республикадаги бошқа олий таълим муассасалари томонидан берилган илмий унвон ва илмий даражаларни тан олиш, шунингдек, докторант ва мустақил изланувчиларга илмий раҳбарлик қилиш тартибини тасдиқлаш;

таълим йўналишлари ва мутахассисликлар учун таълим давомийлиги муддатларини белгилаш;

докторантурада тўлов-контракт асосида ўқиш қийматини белгилаш, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан грант ажратиш орқали докторантурага танлов асосида квотага қўшимча равишда талабгорларни қабул қилиш;

магистратура босқичида таълимнинг сиртки, масофавий ва кечки шакларини жорий этиш, шунингдек, таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича қўш малакалар ҳамда касбий малакалар бериш тизимини жорий қилиш;

ўзаро келишувлар асосида олий таълим муассасалари билан ички академик мобилликни амалга ошириш;

Университет ва унинг тасарруфидаги таълим муассасалари учун ўз грифи асосида дарсликлар ҳамда бошқа ўқув ва илмий адабиётларни яратиш ва нашр этиш;

таълим сифатини ички назорат қилиш механизмларини белгилаш ва жорий этиш;

б) ташкилий-бошқарувдаги мустақиллик соҳасида:

фаолиятининг асосий йўналиши таълим, илм-фан, унинг натижаларини жорий этиш ҳамда тижоратлаштириш билан боғлиқ бўлган таркибий тузилмалар, тижорат ва нотижорат ташкилотларни ташкил этиш;

педагог ва бошқа ходимларни ишга қабул қилиш, ишдан озод этиш ва ички ротациясига оид тартибни белгилаш;

хорижий давлат фуқароларини тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш ва масофавий таълим олиш шаклида ўқитишни ташкил этиш.

Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган ваколатлар Университет томонидан мустақил равишда қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

6. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг Университетни 2022 йил 1 январдан бошлаб ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Бунда, Университетга ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилган олий таълим муассасалари учун берилган барча ваколат ва ҳуқуқлар татбиқ этилади.

7. Қўйидагилар:

2025 йилга қадар «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университетини трансформация қилиш ва комплекс ривожлантириш дастури 2-иловага* мувофиқ;

«Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университетининг халқаро нуфузини ошириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар 3-иловага* мувофиқ;

«Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университети мутахассислик кафедраларини илмий-тадқиқот муассасалари, тармоқ корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларга бириктириш жадвали 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

8. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигининг қўйидаги таклифлари маъқуллансин:

Университет ҳузурида юридик шахс мақомига эга Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти ташкил этиш;

Университетнинг Бухоро филиали негизида Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти ташкил этиш;

Университетнинг Қарши филиали негизида Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти ташкил этиш.

9. Белгилансинки:

Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институтининг жорий фаолияти, бино ва иншоотлардан фойдаланиш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш (илмий ходимлардан ташқари) бўйича харажатларини молиялаштириш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти ҳамда Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти Университет ҳузурида фаолият юритади;

Университетнинг Бухоро ва Қарши филиаллари талабалари таҳсил

* 2 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

олаётган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқишни мос равишда Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти ҳамда Қарши ирригация ва агротехнологиялар институтида давом эттиради;

Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти ҳамда Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти тааллуқлилиги бўйича Университетнинг Бухоро ва Қарши филиалларининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади ҳамда филиалларнинг мол-мулки ва бошқа асосий воситалари тегишли равишда янги ташкил этилаётган институтларга ўтказилади.

10. Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти тузилмаси 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин ҳамда унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

минтақада мавжуд сув ресурсларини инobatга олган ҳолда ҳудудлар кесимида сувдан фойдаланиш бўйича ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган тадқиқотлар ўтказиш;

геоахборот технологиялари асосида ерларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш тизимини йўлга қўйиш, тупроқ унумдорлигини оширишнинг янги усулларини яратиш;

сунъий интеллект ва «ақлли технологиялар» бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш, маҳаллий тупроқ, экин ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турларига мослаштирилган агротехнологиялар яратиш;

ўсимликлар ва уларнинг яшаш муҳитини, ўсимликлар таркибидаги озуқа моддаларининг оптимал даражасини, тупроқнинг макро ва микро элементларини физик-кимёвий таҳлил усуллари асосида тадқиқ этиш;

«яшил иқтисодиёт», қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда ресурстежамкор технологиялар бўйича тадқиқотларни ривожлантириш ва ишланмаларни яратиш;

электроника, мехатроника ва робототехника йўналишидаги амалий тадқиқотларни ривожлантириш, космик аппаратлар маълумотларини қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;

физика йўналишлари бўйича фундаментал муаммоларни ўрганиш, экспериментал маълумотларни қайта ишлашнинг янги моделлари ва усуллари ишлаб чиқиш.

11. Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй, «А» бинога жойлаштирилсин.

Белгилансинки, Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти биносини жорий таъмирлаш, унга туташ ҳудудни ободонлаштириш, хизмат хоналарини мебель, компьютер, ташкилий техника ва инвентарь билан жиҳозлаш Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Сув хўжалиги вазирлигини маъмурий бино билан таъминлаш чораларини кўрсин.

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

12. Университет фаолиятини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин ва унинг молиявий манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:

ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини тузиладиган шартномалар асосида илмий-техник жиҳатдан таъминлаш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг 5 фоизигача бўлган қисми;

иктисодиёт тармоқларида халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокида амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича ўзаро келишув асосида таълим, кадрлар тайёрлаш, тадқиқот ва технологиялар трансферини ривожлантириш компонентлари маблағлари;

хорижий инвесторлар билан инвестиция келишувларида назарда тутилган илмий тадқиқотлар, кадрлар тайёрлаш ва лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратиладиган маблағлар;

кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, қишлоқ, сув хўжалиги ва бошқа йўналишларда жалб этиладиган донор ташкилотларнинг грант маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Бошқарув кенгашига Жамғарма маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тартибини белгилаш ваколати берилсин.

13. Бошқарув кенгаши (С.У. Умурзаков):

а) икки ой муддатда:

Бошқарув кенгаши фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

Трансформация офиси раҳбари лавозимига етакчи хорижий олий таълим муассасаларида раҳбарлик иш тажрибасига эга бўлган мутахассисни жалб этсин;

Университет кафедраларининг илмий фаолиятини соҳа ва тармоқлар муаммоларининг ечимига йўналтириш мақсадида замонавий таълим йўналишларини инобатга олган ҳолда, уларни қайтадан ташкил этсин;

Университетнинг ихтисослашган факультет ва кафедраларининг мос йўналишлари бўйича йирик хўжалик юритувчи субъектлар билан ҳамкорлигини йўлга қўйсин;

Университет раҳбарияти, кафедралари ва таркибий бўлинмалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини ҳамда юқори натижадорликка эришганларни рағбатлантириб бориш тизимини жорий қилсин;

б) Университетни халқаро тан олинган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингига биринчи 1000 талик рўйхатига киритиш бўйича мақсадли параметрларга эришилиши устидан доимий назорат ўрнатсин;

в) ўқув жараёнига хорижий профессор-ўқитувчиларни танлов асосида жалб қилиш ҳамда Университет профессор-ўқитувчиларининг малакасини хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ошириш чораларини кўрсин;

г) 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб сув хўжалиги объектлари қурилиши, гидроэнергетика, «ақлли» қишлоқ хўжалиги технологиялари ва геоинформатика каби йўналишлар бўйича хорижий давлатларнинг нуфузли

олийгоҳлари билан ҳамкорликда кўшма таълим дастурларини ҳамда кенг кўламли фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни ташкил этиш чорасини кўрсин;

д) 2023/2024 ўқув йилига қадар Университет хузурида янги синов лабораторияси ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги технопаркини ташкил этсин ва уларнинг самарали фаолият юритишини таъминласин.

14. Қуйидагилар:

2022-2023 йилларда Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти илмий лабораториялари моддий-техника базасини яратиш дастури 6-иловага* мувофиқ;

2022 — 2024 йилларда «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университетида амалга ошириладиган қурилиш ҳамда ўқув-лабораториялар моддий-техника базасини модернизация қилиш дастури 7-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

15. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У. Умурзаков белгилансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 10 декабрь,
ПҚ-42-сон

* 6-7-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**743** Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа давлат дастурлари ижроси устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини, консолидациялашган бюджет маблағлари ва бошқа марказлашган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган давлат дастурларини ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга ошириш, маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланишини таъминлаш, шунингдек, ушбу соҳада назорат механизмларини янада кучайтириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2022 йилдан бошлаб ҳар йили:

а) келгуси йиллар учун Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда — Дастур) ишлаб чиқилишида:

вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари туман (шаҳар) ҳокимлари ҳамда сектор раҳбарлари билан биргаликда 1 апрелга қадар жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ҳолатини, янги лойиҳаларни амалга ошириш зарурати ва уларнинг жойлашувини, шунингдек, ушбу масалалар бўйича кенг жамоатчилик фикрини ўрганади;

вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари 1 майга қадар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг тавсияларидан келиб чиқиб, Дастурга киритиладиган лойиҳалар юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига шахсий кафиллик асосида таклиф киритади;

Молия вазирлиги 1 майга қадар лойиҳа-қидирув ишларини молиялаштириш учун зарур маблағларни буюртмачилар кесимида шакллантиради;

Вазирлар Маҳкамаси (А.Ж. Раматов, Ж.А. Қўчқоров) 1 июлга қадар Дастурга киритиш таклиф этилаётган лойиҳаларни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини ўрганиб чиқиб, уларнинг дастлабки манзилли рўйхатини белгиланган тартибда тасдиқлайди;

худудлар, соҳалар ва тармоқлар раҳбарлари дастлабки манзилли рўйхатга киритилган лойиҳалар бўйича лойиҳа (лойиҳаолди) ҳужжатларини 1 ноябрга қадар белгиланган тартибда экспертизадан ўтказиш чораларини кўради ва бу борада уларга шахсий жавобгарлик юклатилади;

б) календарь йилининг якунига қадар келгуси йиллар учун Дастур тасдиқланиб, унга киритилган лойиҳалар бўйича танлов (тендер)лар эълон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 11 декабрда эълон қилинган.

қилинади. Бунда, Дастурга лойиҳа (лойиҳаолди) ҳужжатлари экспертизадан ўтказилмаган лойиҳалар киритилишига йўл қўйилмайди.

2. Белгилансинки, 2022 йил 1 январдан:

а) консолидациялашган бюджет маблағлари ва бошқа марказлашган манбалар ҳисобидан харажатларни амалга ошириш ва ишларни бажариш қўйидаги ҳолларда тақиқланади:

молиялаштириш манбаи аниқ бўлмаганда;

белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари (ишчи лойиҳа, иш ҳужжатлари, лойиҳа-смета ҳужжатлари) мавжуд бўлмаганда ёки лойиҳа ҳужжатлари қурилиш-монтаж ишлари билан бир вақтда тайёрланганда, яъни параллел равишда олиб борилганда;

пудратчи (лойиҳачи) ташкилотлар танлов (тендер) ўтказилмасдан танлаб олинганда («Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

б) қурилиш-пудрат ишлари бўйича танлов (тендер)лар электрон шаклда ўтказилмасдан тузилган шартномалар Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан рўйхатга олинмайди ва ушбу шартномалар бўйича тўловлар амалга оширилмайди («Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

в) давлат ташқи қарзи (халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари қарз маблағлари бундан мустасно) ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларни амалга ошириш доирасида:

қиймати 5 миллион АҚШ доллари эквивалентига тенг ва ундан юқори бўлган лойиҳаларнинг лойиҳаолди ҳужжатлари ва уларни ишлаб чиқиш учун техник вазибалар;

қиймати 1 миллион АҚШ доллари эквивалентига тенг ва ундан юқори бўлган товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилиш бўйича тендер ҳужжатлари;

қиймати 1 миллион АҚШ доллари эквивалентига тенг ва ундан юқори бўлган, тендер ҳужжатлари комплекс экспертизадан ўтказилмасдан тузилган импорт контрактлари ва уларга қўшимча келишувлар мажбурий тартибда «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКда комплекс экспертизадан ўтказилади;

г) Ўзбекистон Республикаси номидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси қафолати остида жалб қилинадиган халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг қарз маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар доирасида лойиҳаолди ва тендер ҳужжатлари экспертизаси Халқаро ҳамкорлик ва ривожланиш агентлиги томонидан халқаро келишувларга мувофиқ ташкил этилади.

Ушбу банднинг «в» ва «г» кичик бандлари давлат ташқи қарзи ҳисобидан тижорат банклари орқали қайта молиялаштириладиган лойиҳаларга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати ва Ҳисоб палатасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури, консолидациялашган бюджет маблағлари ва бошқа марказлашган

манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган давлат дастурларининг (кейинги ўринларда — Давлат дастурлари) шакллантирилиши ва ижро этилишини, шунингдек, ушбу дастурлар доирасида маблағлар мақсадли ишлатилишини назорат қилишнинг янги тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Бунда:

Давлат дастурлари ижро этилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика штаби 1-иловага* мувофиқ таркибда;

Давлат дастурлари ижро этилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий штаблар 2-иловага* мувофиқ намунавий таркибда;

Давлат дастурлари ижро этилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича туман (шаҳар) штаблари 3-иловага* мувофиқ намунавий таркибда тузилсин.

Қуйидагилар Республика штаби (Э.Т. Юлдашев), ҳудудий ва туман (шаҳар) штабларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини назорат қилиш;

Давлат дастурларига киритиш учун лойиҳаларни танлаб олишдан уларнинг дастлабки манзилли рўйхатини шакллантириш, лойиҳа (лойиҳаолди) ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва дастурларни тасдиқлашгача бўлган барча жараёнларни туман (шаҳар), вилоят ва республика босқичида назорат қилиш;

лойиҳалар доирасида танлов (тендер)лар ўз вақтида ва шаффоф ўтказилишини, қурилиш-пудрат ишларининг сифатли бажарилиши ва лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилишини, шунингдек, лойиҳалар белгиланган муддатларда яқунланишини назорат қилиш;

лойиҳалар уларнинг ташаббускорлари (бююртмачилар) томонидан ўз вақтида молиялаштирилиши, бюджет маблағларининг мақсадли ва самарали ишлатилиши устидан тизимли назоратни амалга ошириш;

молиялаштириш манбаи аниқ бўлмаган лойиҳалар бўйича харажатлар амалга оширилиши ва (ёки) ишлар бажарилишига, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қурилиш-монтаж ишлари параллел равишда олиб борилишига, пудратчи (лойиҳачи) ташкилотларнинг танлов (тендер) ўтказмасдан танлаб олинишига йўл қўймаслик устидан қатъий назорат ўрнатиш («Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

лойиҳаларни танлаб олиш, уларни амалга ошириш ва ишга тушириш жараёнларининг барча босқичида манфаатлар тўқнашуви юзага келишининг олдини олиш ва уни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўриш;

лойиҳалар доирасида харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг нархларини таҳлил қилиш, уларни асоссиз равишда оширишга ва тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларига ўзбошимчалик билан ўзгартиришлар киритишга йўл қўймаслик чораларини кўриш;

хар бир лойиҳани тизимли мониторинг қилиш, ижроси кечикаётган ва

* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

муаммоли лойиҳаларни жойига чиққан ҳолда ўрганиш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш;

лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг рейтинги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ва мезонлар асосида тўлиқ шакллантирилишини тизимли назорат қилиш;

Давлат дастурлари доирасида ажратиладиган имтиёзли кредитларнинг мақсадли ишлатилиши ҳамда лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан, жамоатчиликни кенг жалб қилган ҳолда, назорат тадбирларини ташкил этиш;

назорат тадбирлари доирасида аниқланадиган қонун бузилиши ҳолатларини ва уларнинг келиб чиқишига имкон берувчи омилларни бартараф этиш чораларини кўриш.

Худудий ва туман (шаҳар) штаблари таркибига кирувчи ҳуқуқ-тартибот идоралари қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган тезкор-қидирув ваколатлари доирасида, Давлат дастурларини молиялаштиришга ажратиладиган маблағларнинг ҳар бир лойиҳа кесимида мақсадли сарфланишини таъминлаш ва улар талон-торож қилинишининг олдини олиш бўйича тизимли назорат тадбирларини ўтказиб борсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) мазкур қарорнинг 1-банди «а» кичик бандига мувофиқ, Дастурга киритиладиган лойиҳалар юзасидан туман (шаҳар) ва худудлар даражасида шакллантириладиган таклифлар тегишинча туман (шаҳар) ва худудий штаблар билан келишилади;

б) ҳар чорак якуни бўйича оммавий ахборот воситалари, шу жумладан телевидение ва ижтимоий тармоқлар орқали:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимлари — Давлат дастурлари доирасида ажратилган маблағлар ҳажми ва натижадорлиги, ҳар бир лойиҳанинг амалга оширилиши ҳолати, шунингдек, келгуси чорак учун аниқ режалар юзасидан тегишли худуд аҳолисини хабардор қилиб боради;

Бош прокуратура (Н.Т. Йўлдошев, Э.Т. Юлдашев) — Давлат дастурларини амалга оширишда қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш бўйича профилактика тадбирлари, шу жумладан лойиҳалар доирасида ажратилган маблағлар мақсадли ва самарали ишлатилиши ҳамда қурилиш-пудрат ишлари сифатли бажарилишини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва уларнинг натижадорлиги юзасидан ахборот бериб боради.

5. Бош прокуратура (Н.Т. Йўлдошев):

а) бир ой муддатда:

вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари — лойиҳалар ташаббускорлари билан биргаликда уларнинг фаолиятида «Бюджет назорати» электрон дастуридан фойдаланиш имкониятини яратсин;

Давлат хавфсизлик хизмати (А.А. Азизов), Қурилиш вазирлиги (Б.И. Зокиров), Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Д. Кудбиев) ҳамда бошқа ман-

фаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қурилиш-пудрат ташкилотларининг амалдаги рейтинглари ҳаққонийлигини ўрганиб, уларни юриштиш тизимини такомиллаштириш чораларини кўрсин;

Бош прокуратуранинг ташкилий-штат тузилмасида прокуратура органларининг умумий штат бирликлари доирасида, шу жумладан Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюросининг штат бирликлари ҳисобидан 5 та штат бирлигидан иборат Қурилиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бўлимини ташкил этсин;

б) Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) ва Қурилиш вазирлиги (Б.И. Зокиров) билан биргаликда уч ой муддатда «Бюджет назорати» электрон дастури, «Давлат молиясини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими» дастури ва «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимини тегишли қисмларида ўзаро интеграция қилиш чораларини кўрсин.

6. 2022 йил 1 январдан бошлаб Қурилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази ҳисоб рақамига «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва қўллаб-қувватлаш учун келиб тушадиган маблағларнинг (объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича смета харажатлари доирасида жами қурилиш харажатларининг 0,05 фоизи миқдоридан) 30 фоизи «Бюджет назорати» электрон дастурини такомиллаштириш ва қўллаб-қувватлаш учун Бош прокуратуранинг ривожлантириш жамғармасига йўналтирилсин.

7. Ҳисоб палатаси (Б.Т. Турабов) ва Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) Давлат дастурлари доирасида ажратиладиган бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан молиявий назоратни амалга ошириш доирасида «Бюджет назорати» электрон дастури, «Давлат молиясини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими» дастури ва «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими орқали кунлик мониторинг ўрнатсин ва аниқланадиган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан тегишинча Республика штаби, ҳудудий ва туман (шаҳар) штабларига ахборот киритиб борсин.

8. Қурилиш вазирлиги (Б.И. Зокиров):

а) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.М. Бобоев), Кадастр агентлиги (Ф.К. Умаров) ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

ҳудудлардаги мавжуд ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини хатловдан ўтказиш бўйича махсус саволнома ишлаб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тақдим этсин;

хатловдан ўтказилган объектларнинг, шу жумладан кадастр рақами ҳамда паспортини ўз ичига олган ягона электрон маълумотлар базасини шакллантириш тизимини яратсин;

б) Адлия вазирлиги (Р.Қ. Давлетов) ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.М. Бобоев) билан биргаликда уч ой муддатда халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда, миллий қурилиш нормалари ва қоидаларига мослаштирилган қурилишга оид хорижий

норматив-техник ҳужжатлар, шу жумладан Еврокод стандартларини амалиётга жорий этиш дастурини назарда тутувчи қарор лойиҳасини киритсин;

в) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Х. Шерматов) ҳамда Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) билан биргаликда 2022 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 августдаги «Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6300-сон Фармонига мувофиқ, «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимини такомиллаштириш ва ундаги техник имкониятларни кенгайтириш ишларини якунласин;

г) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда илғор хорижий тажриба асосида 2022 йил 1 июнга қадар ижтимоий соҳа объектларидан самарали фойдаланиш, уларда ресурс тежовчи замонавий технологияларни жорий этиш ва эксплуатация харажатларини мақбуллаштиришни инobatга олган ҳолда, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва бошқа соҳалар учун янги замонавий идоравий қурилиш нормаларини жорий этиш чораларини кўрсин;

д) Давлат дастурлари ижроси доирасида амалга ошириладиган қурилиш соҳасидаги давлат назорати тадбирлари натижасида аниқланадиган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан тегишинча Республика штаби, ҳудудий ва туман (шаҳар) штабларига ахборот киритиб борсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йил 1 мартга қадар Қурилиш вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган махсус саволнома асосида ҳудудлардаги мавжуд ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини хатловдан ўтказиш ҳамда жойларда янги объектларга бўлган ҳақиқий эҳтиёжни ўрганиш;

Давлат дастурларини шакллантириш ва қурилиш-пудрат ишларини амалга оширишдан лойиҳаларни ишга туширишгача бўлган жараёнларни сифатли ташкил этиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олиб, уларнинг ижроси устидан назорат тадбирларига кенг жамоатчиликни жалб қилиш;

тасдиқланган лойиҳаларга ўзбошимчалик билан ўзгартиришлар киритилмаслиги устидан қатъий назорат ўрнатиш;

сектор раҳбарлари томонидан тегишли ҳудудларда лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳолати юзасидан ҳар ойда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига ҳисобот киритиб борилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

10. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А.Э. Бурхонов) ва Ҳисоб палатаси (Б.Т. Турабов) икки ой муддатда консолидациялашган бюджет маблағлари ва бошқа марказлашган манбалар ҳисобидан Давлат дастурлари ва лойиҳаларни амалга ошириш

жараёнларини форензик-аудитдан ўтказиш учун халқаро консалтинг ва аудит компанияларини жалб қилсин.

Бунда, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Андижон, Самарқанд, Хоразм вилоятлари мисолида лойиҳаларни танлаб олиш, лойиҳа (лойиҳаолди) ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш, давлат харидларини амалга ошириш, қурилиш-пудрат ишлари устидан назорат қилиш ва объектларни фойдаланишга қабул қилиш жараёнларида коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини баҳолаб, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш назарда тутилсин.

11. Адлия вазирлиги (Р.Қ. Давлетов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул этиб Бош прокурор Н.Т. Йўлдошев, Давлат хавфсизлик хизмати раиси А.А. Азизов, Бош вазир ўринбосарлари А.Ж. Раматов, Ж.А. Қўчқоров ва С.Ў. Умурзоқов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 10 декабрь,
ПҚ-43-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**744** Гидроэнергетикани янада ривожлантириш бўйича
қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Электр энергиясини ишлаб чиқаришда мамлакатимиздаги табиий ва сунъий сув оқимларининг мавжуд гидросалоҳиятидан ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўламини янада кенгайтириш, соҳага хусусий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш ҳамда шу асосда янги экологик тоза энергия ҳосил қилувчи қувватларни ривожлантириш мақсадида:

1. Республикамизда гидроэнергетикани янада ривожлантириш, мавжуд гидросалоҳиятдан унумли фойдаланишнинг қуйидаги асосий муҳим йўналишлари белгилансин:

электр энергетика соҳасида экологик тоза энергия манбаларидан кенг фойдаланиш ҳисобига изчил янги қувватлар ташкил этишни жадаллаштириш ҳамда амалдаги ишлаб чиқариш қувватларини босқичма-босқич модернизация қилиш орқали 2030 йилда республикадаги гидроэлектр станциялари қувватини 3 416 МВт га етказиш;

хусусий сектор ва аҳолини табиий сув оқимларидан фойдаланган ҳолда электр энергиясини ишлаб чиқариш учун кенг жалб этиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ягона электр энергетикаси тизимига кафолатли уланишини таъминлаш, ишлаб чиқилган электр энергиясини кафолатли харид қилиш тизимини яратиш.

2. Энергетика вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Гидрометеорология хизмати маркази, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан ишлаб чиқилган ва қуйидагилардан иборат 2021 — 2030 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Дастур) тасдиқлансин:

2021 — 2030 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш ва гидросалоҳиятдан фойдаланиш даражасини оширишнинг мақсадли кўрсаткичлари 1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурига киритилган ва 2022 — 2026 йилларда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг рўйхати 2-иловага** мувофиқ;

2024 — 2030 йилларда мавжуд гидросалоҳиятдан фойдаланиш даражасини ошириш, гидроэлектр станциялари янги қувватларини яратиш ва мавжудларини модернизация қилишга қаратилган инвестиция лойиҳалари рўйхати 3-иловага** мувофиқ;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 декабрда эълон қилинган.

** 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

хусусий сектор иштирокида кичик гидроэлектр станцияларини қуриш таклиф этилаётган лойиҳалар рўйхати 4-иловага* мувофиқ;

2022 — 2025 йилларда кооперация асосида маҳаллийлаштириш учун таклиф этилаётган кичик гидроэлектр станцияларини қуриш ва улардан фойдаланиш учун зарур асбоб-ускуналар, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар рўйхати 5-иловага* мувофиқ.

Вазирлар Маҳкамасига ушбу қарорнинг 2 — 4-иловаларига, зарур ҳолларда, Дастурнинг умумий параметрлари ҳамда кўрсаткичларини сақлаган ҳолда тузатиш, қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ваколати берилсин.

3. Қуйидагилар:

«Ўзбекгидроэнерго» АЖ томонидан 2018 — 2020 йиллар учун молиявий ҳисоботлар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (IFRS) асосида тайёрланганлиги ҳамда 2019-2020 йиллар ҳисоботлари бўйича «PwC» (Pricewaterhouse Coopers) халқаро консалтинг ташкилотининг ижобий хулосалари олинганлиги;

2020 йилда «Fitch Ratings» халқаро рейтинг агентлигининг «В+» (ижобий) халқаро кредит рейтинги қўлга киритилганлиги, 2021 йил октябрь ойида рейтинг «ВВ-» (барқарор) даражасига кўтарилганлиги;

«Ўзбекгидроэнерго» АЖни молиявий соғломлаштириш, операцион самарадорлигини ошириш, ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш мақсадида «McKinsey&Company» халқаро консалтинг компанияси жалб қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. «Ўзбекгидроэнерго» АЖ Молия вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда «McKinsey&Company» халқаро консалтинг компаниясининг якуний хулосасига асосан «Ўзбекгидроэнерго» АЖ операцион самарадорлигини янада ошириш ва корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини жорий қилиш бўйича «Йўл харитаси»ни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Энергетика вазирлиги халқаро тажрибадан келиб чиқиб уч ой муддатда қонунчиликка қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

ўрнатилган қуввати 0,5 МВт гача бўлган гидроэлектр станцияларини — микро, 5 МВт гача бўлган гидроэлектр станцияларини — кичик, 30 МВт гача бўлган гидроэлектр станцияларини — ўрта, 30 МВт дан юқори бўлган гидроэлектр станцияларини — йирик гидроэлектр станциялари таснифига киритиш ҳамда ушбу гидроэлектр станцияларини қайта тикланувчи энергия манбалари деб ҳисоблаш;

микро ва кичик гидроэлектр станцияларини (сув йиғиш иншоотларини қуришни кўзда тутмаган ҳолда) давлат-хусусий шериклик ҳамда бозор тамойили асосида ташаббус билдирган хусусий инвесторлар (ташаббускорлар) томонидан қуриш.

6. Белгилансинки:

* 4-5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

а) 2022 йил 1 январдан бошлаб «Ўзбекгидроэнерго» АЖ таркибидаги гидроэлектр станциялари томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергияси фаолият турига кўра кафолатланган тарзда давлат томонидан электр энергиясини харид қилувчи функцияси (ваколоти) берилган орган томонидан қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда II тариф гуруҳи истеъмолчилари учун белгиланган тарифга нисбатан:

сув оқими бўйича ишлайдиган гидроэлектр станцияларида — 70 фоиз миқдорда;

электр энергетикаси тизимининг режимига боғлиқ ҳолда диспетчер томонидан тартибга солинадиган, ростловчи гидроэлектр станцияларида — 100 фоиз миқдорда;

гидротўплаш электр станцияларида — 150 фоиз миқдорда сотиб олинади;

б) давлат томонидан электр энергиясини харид қилувчи функцияси (ваколоти) берилган орган томонидан электр энергиясини янги ишга тушириладиган қуёш, шамол, биогаз электр станцияларидан (бундан саноат кўламидаги 1 МВт ёки ундан ортиқ қувватлар мустасно), қуввати 5 МВт гача бўлган гидроэлектр станцияларидан ўз эҳтиёжлари учун ишлаб чиқарилгандан ортиқча электр энергиясини кафолатланган тарзда сотиб олиш II гуруҳ истеъмолчилари учун белгиланган тарифнинг 80 фоизи миқдорда амалга оширилади;

в) хусусий инвесторлар (ташаббускорлар) қуввати 1 МВт гача бўлган қуёш, шамол, биогаз ва қуввати 5 МВт гача бўлган гидроэлектр станцияларида ишлаб чиқарилган электр энергиясини юридик ва жисмоний шахсларга ягона электр энергетика тизимига уланмаган ҳолда, локал тармоқ қуриш орқали шартнома асосида ўзаро келишилган нархларда тўғридан-тўғри етказиб бериш ҳуқуқига эга;

г) «Ўзбекгидроэнерго» АЖнинг гидроэлектр станцияларида ишлаб чиқарилган электр энергиясини сотишдан тушган маблағлар, жалб қилинган кредит маблағларини қайтариш ҳамда фаолият юритаётган гидроэлектр станцияларини сақлаб туриш харажатларини чегириб ташлаган ҳолда, қайта инвестициялаш йўли билан Дастурда инобатга олинган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун йўналтирилади.

7. Энергетика вазирлиги «Ўзбекгидроэнерго» АЖ, Молия вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

хусусий инвесторлар (тадбиркорлар) томонидан 200 та микро гидроэлектр станцияларини қуриш имкони мавжуд бўлган лойиҳалар ва майдонлар рўйхатини;

хусусий инвесторлар (тадбиркорлар) томонидан кичик гидроэлектр станцияларини қуриш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини, шунингдек, хусусий инвесторларни рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Энергетика вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб

чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Қўйидагиларга:

инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари — Ш.А. Вафаевга — мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини қатъий назоратга олиш, халқаро молия институтлари ва ташкилотлардан жалб қилинаётган маблағларнинг ўз вақтида ўзлаштирилишини таъминлаш, шунингдек, салоҳиятли инвесторларни излаш ҳамда Дастурда белгиланган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш;

иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг ўринбосари Б.К. Абдиназаровга — гидроэлектр станцияларини қуриш ва улардан фойдаланиш учун зарур ускуна ва эҳтиёт қисмларни маҳаллийлаштириш ва саноат кооперацияси орқали босқичма-босқич ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда мазкур қарорда инobatга олинган истиқболли лойиҳаларни молиялаштиришда Ўзбекистон Республикаси «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегияси доирасидаги «яшил» молиялаштириш маблағларини жалб қилиш;

«Ўзбекгидроэнерго» АЖ бошқаруви раиси А.А. Сангиновга — Дастурда инobatга олинган инвестиция лойиҳаларининг лойиҳаолди ҳужжатларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ҳамда инвестиция лойиҳаларини белгиланган муддатларда фойдаланишга топширишни таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юклансин.

10. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб энергетика вазири А.С. Султанов ва «Ўзбекгидроэнерго» АЖ бошқаруви раиси А.А. Сангинов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар чорак якунида Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 10 декабрь,
ПҚ-44-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**

745 Давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлар сметаси ҳамда молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ва тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3341*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги ПҚ–4938-сон «Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлар сметаси ҳамда молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ва тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 2 ноябрь,
68-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 6 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2021 йил 2 ноябрдаги
68-сон буйруғига
ИЛОВА

**Давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлар сметаси
ҳамда молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ва тақдим
этиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети таркибига кирадиган давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметаси, жамланма харажатлар сметаси, жамланма вақтинчалик харажатлар сметаси, даромадлар ва харажатлар сметаси ҳамда жамланма даромадлар ва харажатлар сметасини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларининг молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ва тақдим қилиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари уларнинг харажатлар сметасида кўрсатилган доирада ва мақсадларда амалга оширилади.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар — таркибида давлат мақсадли жамғармалари мавжуд бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар;

молиявий ҳисоботларга тушунтириш хати — молиявий ҳисоботларда тақдим этилган маълумотлар учун қўшимча ахборот. Молиявий ҳисоботларга тушунтириш хатида изоҳлар, ҳисоботларда келтирилган маълумотларнинг кенгайтирилган кўриниши ва ҳисоботларда кўрсатиб ўтилмаган қўшимча маълумотлар тақдим этилади;

соф активлар/капитал — давлат мақсадли жамғармаларининг активларидан унинг барча мажбуриятлари чегирилгандаги қолдиғи. Соф активлар/капитал салбий ёки ижобий бўлиши мумкин.

3. Давлат мақсадли жамғармалари харажатлар сметасини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда мазкур Низом талаблари асосида мустақил равишда тузадилар.

Давлат мақсадли жамғармаларининг ҳудудий бўлимлари томонидан ҳудудий бўлимлар харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметаси, жамланма харажатлар сметаси, жамланма вақтинчалик харажатлар сметаси, даромадлар ва харажатлар сметаси, жамланма даромадлар ва харажатлар сметаси тузилади ва тасдиқланади ҳамда давлат мақсадли жамғармалари томонидан рўйхатга олинади.

Давлат мақсадли жамғармалари томонидан уларнинг харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметаси, жамланма харажатлар сметаси, жамланма вақтинчалик харажатлар сметаси, даромадлар ва харажатлар сметаси ҳамда жамланма даромадлар ва харажатлар сметаси тузилади ва тасдиқланади ҳамда давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (бундан буён матнда Молия вазирлиги деб юритилади) томонидан рўйхатга олинади.

4. Давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлар сметаси (бундан буён матнда харажатлар сметаси деб юритилади) бир молия йили муддатига тузилади ва амал қилади.

Давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда вақтинчалик харажатлар сметаси асосида амалга оширилади.

5. Харажатлар сметасини тузишда меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари ва шартлари, айрим товарлар (ишлар, хизматлар) учун қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланадиган нарх ва тарифлар:

давлат мақсадли жамғармалари (молия йили мобайнида янгидан тузилаётган давлат мақсадли жамғармаларидан ташқари) бўйича — мазкур сметалар тузилаётган молия йилининг 1 январида амалда бўлган шартларда;

молия йили мобайнида янгидан тузилган давлат мақсадли жамғармалари бўйича — мазкур жамғарма фаолият кўрсатиши бошланган ойнинг 1-санаси ҳолатига кўра ҳисобга олинади.

6. Бюджет тизими бюджетларининг ижроси жараёнида давлат мақсадли жамғармаларининг қўшимча харажатлари юзага келганда, уларнинг харажатлар сметасига бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ҳамда мазкур Низомда белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритилади.

7. Харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметаси, жамланма харажатлар сметаси, жамланма вақтинчалик харажатлар сметаси, даромадлар ва харажатлар сметаси ҳамда жамланма даромадлар ва харажатлар сметаси сўмда тузилади.

8. Давлат мақсадли жамғармалари ва уларнинг ҳудудий бўлимлари томонидан «УзАСБО» дастурий мажмуаси (бундан буён матнда дастурий мажмуа деб юритилади) орқали давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметаси, жамланма харажатлар сметаси, жамланма вақтинчалик харажатлар сметаси, даромадлар ва харажатлар сметаси ҳамда жамланма даромадлар ва харажатлар сметаси, шунингдек уларга ўзгартиришларни кўриб чиқиш ва рўйхатдан ўтказиш учун Молия вазирлигининг Давлат молиясини бошқариш ахборот тизимига (бундан буён матнда ДМБАТ деб юритилади) жўнатилади.

9. Давлат мақсадли жамғармалари ва улар ҳудудий бўлимларининг харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметаси, жамланма харажатлар сметаси, жамланма вақтинчалик харажатлар сметаси, даромадлар ва харажатлар сметаси ва жамланма даромадлар ва харажатлар сметаси бош бухгалтер (унинг ўринбосари) ва молия-иқтисод бўлини бошлиғи (штат жадвалига мувофиқ молия-иқтисод масалалари бўйича мутахассиси) ёхуд

унинг вазифалари юклатилган ходим томонидан имзоланади ҳамда раҳбар ёки у ваколат берган шахс томонидан тасдиқланади ва ҳар бирига хос «QR» кодлар қўйилиб, ДМБАТ тизимида рўйхатга олинади.

10. Давлат мақсадли жамғармаларининг ойлар ва чорақлар кесимидаги харажатлари уларнинг даромадларидан ошиб кетишига, агар мазкур харажатлар давлат мақсадли жамғармаларининг йил бошидаги қолдиқ маблағлари билан қопланмаса, йўл қўйилмайди.

11. Давлат мақсадли жамғармаларининг даврий молиявий ҳисоботи қуйидаги ҳисобот турларини ўз ичига олади:

давлат мақсадли жамғармаларининг молиявий ҳисоботлари;

давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига даромадларнинг тушумлари тўғрисидаги ҳисобот;

давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот.

12. Молиявий ҳисоботлар кўрсаткичлари салбий қолдиққа эга бўлса, у ҳолда ҳисоботларда ушбу кўрсаткичлар «минус» белгиси билан акс этирилади.

13. Молиявий ҳисоботларда кўрсатиладиган ахборотлар тушунарли, содда ва тўлиқ бўлиши лозим.

2-боб. Харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметаси, жамланма харажатлар сметаси, жамланма вақтинчалик харажатлар сметасини тузиш, тасдиқлаш ва уларни кўриб чиқиш, шунингдек даромадлар ва харажатлар сметаси ҳамда жамланма даромадлар ва харажатлар сметасини тузиш ва тасдиқлаш

1-§. Харажатлар сметасини тузиш ва тасдиқлаш

14. Харажатлар сметаси давлат мақсадли жамғармалари ва уларнинг ҳудудий бўлимлари томонидан мазкур Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ шаклда тузилади ва молия йилининг ўнинчи мартдан кечиктирмай тасдиқланади.

IV гуруҳ «Бошқа харажатлар» бўйича харажатлар ёйилмаси мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган харажатлар сметасининг иловасига* мувофиқ шаклда тузилади.

15. Харажатлар сметаси давлат мақсадли жамғармалари томонидан уларга тегишли молия йили учун қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ажратиладиган маблағлар ҳажми доирасида тузилади.

Молия йили учун қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ажратилган маблағлар ҳажми давлат мақсадли жамғармаларига давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан етказилади.

Давлат мақсадли жамғармаларининг ҳудудий бўлимларига молия йили учун қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ажратилган маблағлар ҳажмини етказиш тегишли давлат мақсадли жамғармалари томонидан амалга оширилади.

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

16. Давлат мақсадли жамғармаларининг бюджет лойиҳалари, харажатлар сметаси иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастурлари кўрсаткичларига ва тежамкорликнинг қатъий режимини ҳисобга олган ҳолда маблағларга бўлган эҳтиёжга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

17. Харажатларни ҳисоблаб чиқаришда қуйидагиларга амал қилиниши зарур:

давлат мақсадли жамғармасининг қонунчиликка мувофиқ асосий вазифалари ва фаолияти йўналишларига;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ давлат мақсадли жамғармалари харажатларининг нормативларига;

товар ва хизматларнинг давлат томонидан тартибга солинадиган нархлари ва тарифларига.

Жумладан:

харажатлар сметасига иш ҳақи учун жамғармадан ажратиладиган маблағлар қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган лавозим маошлари, уларга қўшимча ҳақ тўлаш ва устамалар ҳамда амалдаги намунавий штатлар ва штат нормативларига риоя этилган ҳолда киритилади. Ишбай шаклда бажариладиган ишлар учун иш ҳақи, молия йилига харажатлар сметасида назарда тутилган шундай ишларнинг ҳажмидан келиб чиқиб харажатлар сметасига киритилади;

ижтимоий солиқ тўловини тўлаш харажатлари харажатлар сметасига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ижтимоий солиқ тўлови тўланадиган барча тўлов суммаларидан келиб чиққан ҳолда киритилади;

иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотини тўлаш харажатлари харажатлар сметасига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда иш берувчининг барча ходимларининг ўтган йилги иш ҳақининг ҳақиқий харажатларидан келиб чиққан ҳолда киритилади;

хўжалик харажатлари, жумладан коммунал хизматлар учун харажатлар ҳар бир ташкилотга кўрсатиладиган хизмат доирасида ўтган ҳисобот давридаги ҳақиқий харажатдан келиб чиқиб ёки белгиланган лимит (жисмоний ҳажмлар) доирасида ҳамда нарх ва тарифларни ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади;

телефон ва бошқа телекоммуникация хизматлари харажатлари абонент рақамлари сони ва хизматлар учун тасдиқланган тарифлардан келиб чиқиб ҳисобланади;

давлат мақсадли жамғармаларининг бинолар, иншоотлар, транспорт воситаларидан фойдаланиш, бинолар ва транспорт воситалари, шунингдек бошқа мулк ижараси билан боғлиқ харажатлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган харажатлар меъёри, лимитлар ва натурал кўрсаткичлардан келиб чиқиб аниқланади;

хизмат сафарларига харажатлар ташкилотларнинг олдига қўйилган вазифалардан, шунингдек қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меъёрлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

бюджет тизими бюджетлари харажатларининг иқтисодий таснифи бўйи-

ча бошқа харажатларни аниқлашда ўзгача кўрсаткичлар ва услублар қўлланилиши мумкин, уларнинг асосланганлиги харажатлар сметасини рўйхатдан ўтказувчи тегишли давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар ёки Молия вазирлиги томонидан текширилади.

18. Давлат мақсадли жамғармалари томонидан амалга ошириладиган харажатлар бўйича улар томонидан жамғармани сақлаш, юклатилган вази-фаларни бажариш учун тузилган харажатлар сметасидан ташқари белги-ланган тартибда жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини тижо-рат банклари депозитларига жойлаштириш бўйича харажатлар сметаси тузилиши мумкин.

19. Давлат мақсадли жамғармалари ва улар ҳудудий бўлимларининг харажатлар сметаси дастурий мажмуада уларнинг раҳбари ёки у ваколат берган шахс томонидан электрон рақамли имзо билан ушбу сана кўрсатилган ҳолда тасдиқланади. Бунда, ходимлар иш ҳақи жамғармасининг суммасини ажратган ҳолда сметада харажатларнинг умумий суммаси кўрсатилади.

20. Давлат мақсадли жамғармалари ва уларнинг ҳудудий бўлимлари томонидан харажатлар сметаси кўриб чиқиш ва рўйхатдан ўтказиш учун у тасдиқланган кундан кечиктирмай ДМБАТ тизими орқали тегишли орган-ларга юборилади.

2-§. Вақтинчалик харажатлар сметаси ва жамланма вақтинчалик харажатлар сметасини тузиш ва тасдиқлаш

21. Давлат мақсадли жамғармалари ва уларнинг ҳудудий бўлимлари томонидан вақтинчалик харажатлар сметасини тузиш ва тасдиқлаш мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ шаклда, жамланма вақтинчалик харажатлар сметасини тузиш ва тасдиқлаш эса мазкур Низомнинг 2а-иловасига* мувофиқ шаклда кейинги молия йилининг биринчи чорагини ойма-ой бўлган ҳолда амалга оширилади.

Бунда, вақтинчалик харажатлар сметасида назарда тутилаётган маблағлар кейинги молия йилининг биринчи чорагидаги даромадлар прогнозидан ортиқ бўлмаслиги лозим ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун харажатлар суммасига аниқлик кирити-лиши мумкин.

Келгуси молия йилининг биринчи чораги учун давлат мақсадли жам-ғармаларининг вақтинчалик харажатлар сметаси ва жамланма вақтинчалик харажатлар сметаси жорий молия йилининг 10 декабригача тузилади ва тасдиқланади.

22. Вақтинчалик харажатлар сметаси ва жамланма вақтинчалик хара-жатлар сметаси харажатлар сметаси тасдиқлангунга қадар амалда бўлади. Бунда, рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган харажатлар сметасида бел-гиланган биринчи чорак учун бюджетдан ажратилаётган маблағлар вақтин-чалик харажатлар сметасида назарда тутилган бюджетдан ажратилаётган маблағлардан кам бўлмаслиги керак.

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметаси мавжуд бўлмаган тақдирда, жорий молия йилининг 1 апрелидан эътиборан давлат мақсадли жамғармасининг харажатлари харажатлар сметаси рўйхатдан ўтказилгунига қадар тўхтатиб турилади.

23. Вақтинчалик харажатлар сметаси ва жамланма вақтинчалик харажатлар сметасини тузиш, тасдиқлаш мазкур бобнинг 1-параграфига мувофиқ амалга оширилади.

3-§. Жамланма харажатлар сметасини тузиш ва тасдиқлаш

24. Давлат мақсадли жамғармалари ва уларнинг ҳудудий бўлимлари томонидан жамланма харажатлар сметаси, бюджет тизими бюджетлари харажатлари таснифига мувофиқ бўлим, кичик бўлим, боб ва харажатлар моддалари кесимида, бўйсунувидаги ҳудудий бўлимларнинг харажатлар сметасини, давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлар сметасини жамлаш йўли билан мазкур Низомнинг 3-иловасига* мувофиқ шаклларда тузилади ва молия йилининг 10 мартдан кечиктирмай тасдиқланади ҳамда жамланма харажатлар сметасига тармоқ, штат ва контингентлар бўйича жамланма ҳисоботлар илова қилинади.

25. Жамланма харажатлар сметаси бўйича IV гуруҳ харажатлари ёйилмаси мазкур Низомнинг 3-иловасида келтирилган жамланма харажатлар сметасининг 1-иловасига* мувофиқ шаклда тузилади ва тасдиқланади.

Давлат мақсадли жамғармалари бўйича тармоқ, штат ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисобот шакллари мазкур Низомнинг 3-иловасида келтирилган жамланма харажатлар сметасининг тегишлилигига кўра 2 — 20-иловаларига* мувофиқ шаклларда тузилади ҳамда тасдиқланади.

4-§. Харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметаси, жамланма харажатлар сметаси ва жамланма вақтинчалик харажатлар сметасини кўриб чиқиш

26. Давлат мақсадли жамғармаларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимлари ва туман (шаҳар) бўлимларининг харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметаси, жамланма харажатлар сметаси ва жамланма вақтинчалик харажатлар сметаси тақдим этилган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддатда мос равишда давлат мақсадли жамғармалари ва уларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимлари томонидан кўриб чиқилади.

Давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметаси, жамланма харажатлар сметаси ва жамланма вақтинчалик харажатлар сметаси тақдим этилган кундан бошлаб ўн беш кунлик

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

муддатда давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар ёки Молия вазирлиги (давлат мақсадли жамғармасининг тақсимловчи органи мавжуд бўлмаганда) томонидан кўриб чиқилади.

27. Худудий бўлимлар томонидан тақдим этилган харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметаси, жамланма харажатлар сметаси ва жамланма вақтинчалик харажатлар сметаси мазкур бўлимларнинг раҳбарлари иштирокида кўриб чиқилиши мумкин.

28. Харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметаси, жамланма харажатлар сметаси ва жамланма вақтинчалик харажатлар сметасини кўриб чиқишда қуйидаги талабларга риоя қилиниши лозим:

тежамкорлик режимига амал қилган ҳолда харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметаси, жамланма харажатлар сметаси ва жамланма вақтинчалик харажатлар сметасида асосланмаган харажатлар келтириб чиқарадиган тадбирлар учун маблағлар киритилишига йўл қўймаслик;

алоҳида тадбирларни ўтказиш муддатларини ва уларни молиялаштиришни таъминлаш имконини ҳисобга олган ҳолда харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметаси, жамланма харажатлар сметаси ва жамланма вақтинчалик харажатлар сметаси бўйича ажратилган маблағларни чорак (ой)ларга тақсимлашни таъминлаш.

29. Кўриб чиқиш жараёнида қуйидагилар текширилади:

IV гуруҳ бўйича харажатлар суммасининг IV гуруҳ харажатлари ёйилмасида кўрсатилган суммага мувофиқлиги;

харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметаси, жамланма харажатлар сметаси ва жамланма вақтинчалик харажатлар сметасига киритилган харажатлар бўйича бошқа ҳисоб-китоблар ва асослантириш.

30. Харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметаси, жамланма харажатлар сметаси ва жамланма вақтинчалик харажатлар сметасининг асосланганлигини қўшимча ўрганиш мақсадида тегишли давлат мақсадли жамғармалари ва уларнинг худудий бўлимларидан харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметаси, жамланма харажатлар сметаси ва жамланма вақтинчалик харажатлар сметасини тузиш ҳамда ижро этишнинг исталган босқичида уларга доир ҳисоб-китоблар талаб қилиб олиниши мумкин.

31. Агар рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметаси, жамланма харажатлар сметаси ва жамланма вақтинчалик харажатлар сметаси бўйича харажатлар суммаси белгиланган тартибда етказилган суммага нисбатан ортиқ бўлса, харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметаси, жамланма харажатлар сметаси ва жамланма вақтинчалик харажатлар сметаси бўйича харажатларнинг ортиқча қисми қисқартирилади.

Рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметаси, жамланма харажатлар сметаси ва жамланма вақтинчалик харажатлар сметасида харажатлар суммасининг оширилишига йўл қўйилмайди.

32. Давлат мақсадли жамғармалари уларнинг худудий бўлимларининг

харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметаси, жамланма харажатлар сметаси ва жамланма вақтинчалик харажатлар сметасини рўйхатдан ўтказиш муддатларини мустақил белгилайди.

5-§. Даромадлар ва харажатлар сметаси, жамланма даромадлар ва харажатлар сметасини тузиш ҳамда тасдиқлаш

33. Давлат мақсадли жамғармалари ва уларнинг ҳудудий бўлимлари томонидан даромадлар ва харажатлар сметаси мазкур Низомнинг 4-иловасига* мувофиқ шаклда, жамланма даромадлар ва харажатлар сметаси эса мазкур Низомнинг 4а-иловасига* мувофиқ шаклда ҳар йили тузилади ҳамда тасдиқланади.

Бунда, даромадлар ва харажатларни режалаштириш давлат мақсадли жамғармалари томонидан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган даромадлар манбаи ва харажатлар йўналишларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

34. Давлат мақсадли жамғармалари бўйича даромадлар ва харажатлар сметаси ҳамда жамланма даромадлар ва харажатлар сметасини тузиш, тасдиқлаш мазкур Низомда давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлар сметалари ва жамланма харажатлар сметаларини тузиш, тасдиқлаш учун белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

Давлат мақсадли жамғармалари бўйича даромадлар ва харажатлар сметаси ҳамда жамланма даромадлар ва харажатлар сметасининг даромад қисми молия йили бошидаги маблағлар қолдиғи ҳамда даромадларнинг манбалар кесимидаги прогнозидан ташкил топади.

3-боб. Харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметаси, жамланма харажатлар сметаси, жамланма вақтинчалик харажатлар сметаси ҳамда даромадлар ва харажатлар сметасини рўйхатдан ўтказиш

35. Келгуси молия йилининг биринчи чораги учун давлат мақсадли жамғармаларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳудудий бўлимларининг вақтинчалик харажатлар сметаси ва жамланма вақтинчалик харажатлар сметаси мос равишда давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимлари томонидан, давлат мақсадли жамғармаларининг вақтинчалик харажатлар сметаси ва жамланма вақтинчалик харажатлар сметаси эса давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар ёки Молия вазирлиги томонидан жорий молия йилининг 25 декабрига қадар рўйхатдан ўтказилади.

36. Давлат мақсадли жамғармаларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳудудий бўлимла-

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рининг харажатлар сметаси, жамланма харажатлар сметаси, даромадлар ва харажатлар сметаси ҳамда жамланма даромадлар ва харажатлар сметаси мос равишда давлат мақсадли жамғармалари ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимлари томонидан, давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлар сметаси, жамланма харажатлар сметаси, даромадлар ва харажатлар сметаси ҳамда жамланма даромадлар ва харажатлар сметаси эса давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар ёки Молия вазирлиги томонидан молия йилининг 1 апрелидан кечиктирмай рўйхатдан ўтказилади.

37. Харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметаси, жамланма харажатлар сметаси, жамланма вақтинчалик харажатлар сметасини кўриб чиқиш натижалари бўйича уларни рўйхатдан ўтказилганлиги ёки рўйхатдан ўтказиш рад этилганлиги ҳақида давлат мақсадли жамғармалари ҳамда уларнинг тегишли Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳудудий бўлимлари шу куннинг ўзида хабардор қилинади. Бунда, рўйхатдан ўтказиш рад этилган тақдирда, хабарномада рад этиш сабаблари ва уларни ўн кунгача бўлган муддатда бартараф этиб, рўйхатдан ўтказиш учун қайта киритиш зарурлиги кўрсатилади.

Рўйхатдан ўтказиш рад этилган харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметаси, жамланма харажатлар сметаси, жамланма вақтинчалик харажатлар сметаси давлат мақсадли жамғармалари ҳамда уларнинг тегишли ҳудудий бўлимлари томонидан хабарномада белгиланган муддатда рад этиш сабаблари бартараф этилган ҳолда рўйхатдан ўтказиш учун қайта киритилади.

Қайта киритилган харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметаси, жамланма харажатлар сметаси, жамланма вақтинчалик харажатлар сметасини кўриб чиқиш мазкур Низомнинг 2-боби 4-параграфида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда, харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметаси, жамланма харажатлар сметаси, жамланма вақтинчалик харажатлар сметасини рўйхатдан ўтказиш муддатлари мазкур Низомнинг тегишлилигига кўра 35 ва 36-бандларида белгиланган муддатлардан ошиб кетмаслиги лозим.

38. Харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметаси, жамланма харажатлар сметаси, жамланма вақтинчалик харажатлар сметаси, даромадлар ва харажатлар сметаси ҳамда жамланма даромадлар ва харажатлар сметаси тасдиқланган харажатлар бўйича қуйидаги харажатлар гуруҳига ажратилган ҳолда умумий тарзда рўйхатдан ўтказилади:

иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар;

иш берувчиларнинг ажратмалари;

капитал қўйилмалар;

бошқа харажатлар.

39. Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан жамғарма харажатларини молиялаштириш (тўлаш) мазкур Низом талабларига мувофиқ тузилган ва тегишли давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар ёки Молия вазирлигида рўйхатдан ўтка-

зилган харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметаси, жамланма харажатлар сметаси, жамланма вақтинчалик харажатлар сметаси асосида амалга оширилади.

40. Давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметаси, жамланма харажатлар сметаси, жамланма вақтинчалик харажатлар сметаси унда тасдиқланган барча гуруҳлар бўйича харажатларни, харажатлар ёйилмасига ва уларнинг ҳисоб-китобларига тўлик мос келишини текширган ҳолда рўйхатдан ўтказиш учун қабул қилинади.

4-боб. Харажатлар сметаси, жамланма харажатлар сметаси, даромадлар ва харажатлар сметаси ҳамда жамланма даромадлар ва харажатлар сметасига ўзгартиришлар киритиш

1-§. Харажатлар сметаси ва жамланма харажатлар сметасига ўзгартиришлар киритиш

41. Давлат мақсадли жамғармалари ва улар ҳудудий бўлимларининг харажатлар сметаси ва жамланма харажатлар сметасига бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартиб ва миқдорлар доирасида ўзгартиришлар киритилади.

42. Молия вазирлигининг тегишли соҳаларни молиялаштирувчи тармоқ таркибий бўлинмалари томонидан харажатлар сметаси ва жамланма харажатлар сметасига киритилган ўзгартиришлар (бундан давлат мақсадли жамғармалари ва улар ҳудудий бўлимларининг сўрови билан киритилган ўзгартиришлар мустасно) бўйича давлат мақсадли жамғармалари ва давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга мазкур Низомнинг 5-иловасига* мувофиқ шаклдаги Бюджетдан ажратиладиган маблағлар миқдорига ўзгартиришлар ҳақида маълумотнома-билдиришнома (17-сон шакл), шунингдек давлат мақсадли жамғармалари ва уларнинг ҳудудий бўлимларига мазкур Низомнинг 6-иловасига* мувофиқ шаклдаги Бюджетдан ажратиладиган маблағлар миқдорига ўзгартиришлар ҳақида маълумотнома-билдиришнома (18-сон шакл) юборилади.

43. Бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига асосан давлат мақсадли жамғармалари ва улар ҳудудий бўлимларининг сўровига кўра харажатлар сметаси ва жамланма харажатлар сметасига ўзгартиришлар мазкур Низомнинг 7-иловасига* мувофиқ шаклда қуйидаги тартибда амалга оширилади:

давлат мақсадли жамғармалари туман (шаҳар) ҳудудий бўлимларининг харажатлар сметасига ўзгартиришлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимлари томонидан;

давлат мақсадли жамғармалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимларининг харажатлар сметаси ва жамланма харажатлар сметасига ўзгартиришлар давлат мақсадли жамғармалари томонидан;

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлар сметаси ва жамланма харажатлар сметасига ўзгартиришлар давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар ёки Молия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилади.

Бунда, харажатлар сметаси ва жамланма харажатлар сметасига уларга ўзгартиришлар киритилишини асослантирувчи ҳужжатлар илова қилинади.

44. Давлат мақсадли жамғармалари ва улар ҳудудий бўлимларининг харажатлар сметаси ва жамланма харажатлар сметасига ўзгартиришларни кўриб чиқиш ва рўйхатдан ўтказиш ўн кунлик муддатда мазкур Низомда харажатлар сметаси ва жамланма харажатлар сметасини кўриб чиқиш ва рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Харажатлар сметасининг IV гуруҳ харажатлари бўйича ўзгартиришлар харажатлар иқтисодий таснифининг кичик модда ва элементлари доирасида киритилади.

2-§. Давлат мақсадли жамғармаларининг даромадлар ва харажатлар сметаси ҳамда жамланма даромадлар ва харажатлар сметасига ўзгартиришлар киритиш

45. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, ҳар йили қабул қилинадиган Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларига асосан давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини ижро этиш жараёнида даромадлар ва харажатлар сметаси ҳамда жамланма даромадлар ва харажатлар сметасига ўзгартиришлар киритилади.

46. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси ҳамда ҳар йили қабул қилинадиган Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонунига асосан давлат мақсадли жамғармаларининг даромадлар ва харажатлар сметаси ҳамда жамланма даромадлар ва харажатлар сметасига давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар ва давлат мақсадли жамғармалари томонидан ўзгартиришлар киритилади.

Қонунчилик ҳужжатлари асосида давлат мақсадли жамғармаларининг даромадлар ва харажатлар сметаси ҳамда жамланма даромадлар ва харажатлар сметасига Молия вазирлиги томонидан ўзгартиришлар киритиш давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларнинг ёзма сўровисиз амалга оширилиши мумкин.

5-боб. Давлат мақсадли жамғармаларининг молиявий ҳисоботларини тузиш ва тақдим қилиш тартиби

1-§. Молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим қилиш

47. Давлат мақсадли жамғармаларининг йиллик молиявий ҳисоботлари келгуси ҳисобот йилининг 1 январь ҳолатига, чораклик молиявий

ҳисоботлар эса ҳисобот йилининг тегишлилигига кўра 1 апрель, 1 июль ва 1 октябрь ҳолатига тузилади.

48. Давлат мақсадли жамғармалари томонидан топшириладиган йиллик молиявий ҳисоботлар таркибига қуйидагилар киради:

мазкур Низомнинг 8-иловасига* мувофиқ шаклдаги Баланс (1-сон шакл);

мазкур Низомнинг 9-иловасига* мувофиқ шаклдаги Молиявий фаолият натижалари тўғрисида ҳисобот;

мазкур Низомнинг 10-иловасига* мувофиқ шаклдаги Харажатлар сметасининг ижроси ҳақида ҳисобот (2-сон шакл);

мазкур Низомнинг 11-иловасига* мувофиқ шаклдаги Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумот;

мазкур Низомнинг 12-иловасига* мувофиқ шаклдаги Давлат мақсадли жамғармаларининг бошқа маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот;

мазкур Низомнинг 13-иловасига* мувофиқ шаклдаги Товар-моддий захиралар ва номолиявий активлар ҳаракати тўғрисида ҳисобот;

мазкур Низомнинг 14-иловасига* мувофиқ шаклдаги Давлат мақсадли жамғармаларида чет эл валютасидаги маблағларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот;

мазкур Низомнинг 3-иловасида келтирилган жамланма харажатлар сметасининг 2 — 20-иловаларига мувофиқ шакллардаги тармоқ, штат ва контингентлар бўйича жамланма ҳисоботлар.

49. Давлат мақсадли жамғармалари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳисобот даврида маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятини амалга оширса, молия органларига ушбу фаолият бўйича Молиявий фаолият натижалари тўғрисида ҳисоботни «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»-ги буйруқнинг (рўйхат рақами 1209, 2003 йил 24 январь) 2-сон иловасига мувофиқ шаклда тақдим этади.

50. Давлат мақсадли жамғармалари томонидан топшириладиган чорақлик молиявий ҳисоботлар таркибига қуйидагилар киради:

Баланс (1-сон шакл);

Молиявий фаолият натижалари тўғрисида ҳисобот;

Харажатлар сметасининг ижроси ҳақида ҳисобот (2-сон шакл);

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумот;

Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисида ҳисобот;

Давлат мақсадли жамғармалари чет эл валютасидаги маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

Тармоқ, штат ва контингентлар бўйича жамланма ҳисобот.

51. Давлат мақсадли жамғармаларининг молиявий ҳисобот шакллари (жамланма ҳисоботлардан ташқари) Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқноманинг (рўйхат рақами 2169, 2010 йил 22 декабрь) 14-иловасига мувофиқ 308-сон шаклдаги «Бош журнал китоби» (бундан буён матнда Бош журнал китоби (308-сон шакл) деб юритилади) ва бошқа тегишли ҳисоб регистрларидаги маълумотлар асосида тузилади.

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

52. Давлат мақсадли жамғармалари Молия вазирлигига (тегишли худудий молия органларига) чорак (йил) учун Харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот (2-сон шакл)ни мазкур Низомнинг талабларига мувофиқ ҳолда тақдим этади.

53. Молиявий ҳисоботлар шаклларининг манзил қисми қўйидаги тартибда тўлдирилади:

«Ташкилот» реквизиотида давлат мақсадли жамғармасининг тўлиқ номи кўрсатилади;

«Бўлим, кичик бўлим, боб» реквизиотида давлат мақсадли жамғармасининг бюджет таснифига мувофиқ ташкилий ва вазифа жиҳатидан бўлиниши (белгиланиши) кўрсатилади;

«Ҳисобот даври» реквизиотида ҳисобот тузилаётган тегишли давр (йил, чорак) кўрсатилади;

«Бюджет тури» реквизиотида давлат мақсадли жамғармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифига мувофиқ маблағлар манбаи ва ташкилот тақдим этадиган ҳисобот бўйича бюджетлар даражаси кодлари кўрсатилади;

«Ўлчов бирлиги» реквизиотида ҳисобот тузилаётган ўлчов бирлиги келтирилади.

2-§. Баланс (1-сон шакл)

54. Балансни (1-сон шакл) тузишдан олдин барча мавжуд мемориал ордерлар билан расмийлаштирилган бухгалтерия ёзувларини дастлабки ҳужжатларга мувофиқ ҳолда тўғри тузилганлиги ҳамда Бош журнал китобига (308-сон шакл) тўғри акс эттирилганлиги, субсчётлар бўйича ойлик айланмалар ва ҳисобот даври охирида Бош журнал китоби (308-сон шакл) бўйича қолдиқлар тўғри ҳисобланганлиги текшириб чиқилади.

Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ давлат мақсадли жамғармалари асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қўйилмалар, моддий бойликлар, пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва баланснинг бошқа моддаларини инвентаризациядан ўтказишлари шарт.

55. Инвентаризациянинг асосий мақсади қўйидагилардан иборат:

асосий воситалар, капитал қўйилмалар, моддий бойликлар, пул маблағлари ва қатъий ҳисобда турувчи бланкалари ҳамда бошқа активларнинг ҳақиқатда мавжудлигини бухгалтерия ҳисоби маълумотларига таққослаш йўли билан аниқлаш, шунингдек моддий бойликлар ва пул маблағларининг сақланишини назорат қилиш;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган нормативдан юқори бўлган ва фойдаланилмаётган моддий бойликларни аниқлаш;

моддий бойликлар ҳамда пул маблағларини сақлаш қоидалари ва шартларига риоя қилиш;

балансда ҳисобга олинган моддий бойликларни, кассалардаги, банкларнинг депозит ҳисоб рақамларидаги ҳамда шахсий ғазна ҳисобварақлардаги

пул маблағларини, шунингдек ҳисоб-китоблар ва баланснинг бошқа моддалари қийматининг ҳақиқийлигини текшириш.

56. Давлат мақсадли жамғармаларининг «Баланс» (1-сон шакл) ҳисоботи активлар, мажбуриятлар ва соф активлар/капитал таркибий қисмлардан иборат ва қўйидагича баланс аниқланади:

$$\text{активлар} - \text{мажбуриятлар} = \text{соф активлар/капитал}$$

57. Ҳисобот даври охирида Бош журнал китобидаги (308-сон шакл) чиқарилган қолдиқлар баланснинг «Йил (чорак) охирида» устунига кўчириб қўйилади.

58. Дебитор ва кредитор қарзларни ҳисобга олувчи субсчётларда дебиторлар ва кредиторлар суммалари ўзаро ҳисобга олмаган ҳолда, яъни мавжуд дебиторлар баланснинг актив қисмида, кредиторлик қарз эса пассив қисмида кўрсатилади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотларни акс эттиришда Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқноманинг (рўйхат рақами 2169, 2010 йил 22 декабрь) 23-иловасига мувофиқ 285-сон шаклдаги айланма қайднома ва бошқа тегишли ҳисоб регистрлари маълумотларидан фойдаланилади.

59. «Йил бошида» устунни бўйича кўрсаткичлар ўтган ҳисобот йили баланснинг «Йил (чорак) охирида» устунни бўйича кўрсаткичларга бир хил ҳолда кўчирилади. Давлат мақсадли жамғармаси ҳисобот йилининг 1 январидан кейин ташкил топган бўлса, у ҳолда баланснинг ушбу «Йил бошида» устунни тўлдирилмайди.

60. Баланснинг «Активлар» қисмидаги I бўлим «Жорий активлар» бўлимининг «Йил (чорак) охирида» устунни бўйича:

«Пул маблағлари» бўлимида давлат мақсадли жамғармаларининг мавжуд шахсий ғазна ҳисобварақлардаги, бошқа ҳисобварақларидаги миллий ва хорижий валютадаги пул маблағлари қолдиқлари, миллий ва хорижий валютадаги нақд пул маблағлари қолдиқлари, шунингдек йўлдаги пул маблағлари, аккредитивлар, пул эквивалентларининг қолдиқ суммалари акс эттирилади;

«Молиявий маблағлар бўйича жорий дебитор қарзлар» бўлимида қисқа муддатли ички ва ташқи депозитлар акс эттирилади. Бунда давлат мақсадли жамғармалари 121 000-субсчётда бир йилдан ошмаган муддатда жойлаштирилган ички ва ташқи депозитлар ҳисобга олинади;

«Давлат мақсадли жамғармасининг дебитор қарзлари» бўлимининг йил (чорак) охирида барча ҳисоб-китоблар бўйича давлат мақсадли жамғармаларининг дебиторлик қарздорликларининг қолдиқ суммалари акс эттирилади;

«Товар-моддий захиралар ва уларга харажатлар» бўлимида ҳисобот даври охирида мавжуд бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, тиббиётда фойдаланиладиган воситалар, вакциналар ва бактериологик препаратлар, ёнилғи, ёқилғи-мойлаш материаллари, хўжалик ва канцелярия моллари, кийим-кечак, пойабзал ва чойшаб-филофлар, қурилиш материал-

лари, машина ва асбоб-ускуналарнинг эҳтиёт қисмлари, бутловчи буюмлар ва сотиб олинмаган ярим тайёр маҳсулотлар, биологик захиралар, бошқа хом ашё ва материаллар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, қайта сотиш учун товарлар, ҳарбий захиралар, товар-моддий захираларга харажатлар ва товар (иш, хизмат)ларга харажатларнинг қолдиқ суммалари кўрсатилади, бундан балансдан ташқари 08 — «Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари» ва 10 — «Эскирганларининг ўрнига берилган транспорт воситаларининг эҳтиёт қисмлари» счётларида акс эттирилган товар-моддий захираларнинг қолдиқлари мустасно.

61. Баланснинг «Активлар» қисмидаги II бўлим «Узоқ муддатли активлар» бўлимининг «Йил (чорак) охирида» устуни бўйича:

«Узоқ муддатли депозитлар» қаторида узоқ муддатли ички ва ташқи депозитлар акс эттирилади. Ушбу қаторда давлат мақсадли жамғармаларининг бир йилдан ортиқ муддатда жойлаштирилган ички ва ташқи депозитлари ҳисобга олинади;

«Асосий воситалар» бўлимида давлат мақсадли жамғармаларининг ҳисобот даври охирида бино ва иншоотларни, машина ва жиҳозларни, бошқа турдаги асосий воситаларни, ҳарбий асосий воситаларни қолдиқ (баланс) қиймати акс эттирилади. Асосий воситаларнинг қолдиқ (баланс) қиймати асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматидан унинг эскириш суммаси айирмаси натижасида аниқланади;

«Қийматликлар» қаторида ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш мақсадларида фойдаланилмайдиган, вақт ўтиши билан қиймати сақланадиган активлар ҳисоби акс эттирилади;

«Ноишлаб чиқариш активлари» бўлимида ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлмаган харажатлар, жумладан ер, минерал ва энергия ресурслари, бошқа турдаги табиий активлар, номоддий ноишлаб чиқариш активларини қолдиқ (баланс) қиймати акс эттирилади. Ноишлаб чиқариш активларининг қолдиқ (баланс) қиймати ноишлаб чиқариш активларининг бошланғич (қайта тиклаш) қийматидан унинг эскириш суммаси айирмаси натижасида аниқланади;

«Номолиявий активлар капитал қўйилмалар» бўлимида асосий воситаларга капитал қўйилмалар, қийматликларга капитал қўйилмалар, ноишлаб чиқариш активларига капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи субсчётларнинг Бош журнал китоби (308-сон шакл) бўйича ҳисобот даврининг охиридаги қолдиқ суммаси акс эттирилади.

62. Баланснинг «Мажбуриятлар» қисмидаги III бўлим «Жорий мажбуриятлар» бўлимининг «Йил (чорак) охирида» устунида давлат мақсадли жамғармаларининг йил (чорак) охирида барча ҳисоб-китоблар бўйича кредиторлик қарзларининг қолдиқ суммалари тегишли субсчётларда акс эттирилади.

63. Баланснинг «Мажбуриятлар» қисмидаги IV бўлим «Узоқ муддатли мажбуриятлар» бўлимининг «Йил (чорак) охирида» устунида давлат мақсадли жамғармаларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича узоқ муддатли кредитор қарзлари, бюджет

ташкilotларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблар бўйича узоқ муддатли кредитор қарзлари акс эттирилади.

64. Баланснинг «Соф активлар/капитал» қисмида жорий ҳисобот даврининг молиявий натижалари ва жамғариб борилувчи молиявий натижаларининг қолдиқ суммалари акс эттирилади.

65. Баланснинг «Балансдан ташқари счётлар» бўлимида ҳисобот даври охирига акс эттирилган балансдан ташқари счётлар суммаси кўрсатилади.

3-§. Молиявий фаолият натижалари тўғрисидаги ҳисобот

66. Молиявий фаолият натижалари тўғрисидаги ҳисоботда давлат мақсадли жамғармаларининг ҳисобот даври бўйича ҳисобланган даромад (тушум)лар ва ҳақиқий харажатлар ўртасидаги фарқ ҳамда бюджет ташкilotларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўзаро ҳисоб-китоблари йиғиндиси акс эттирилади.

67. Молиявий фаолият натижалари тўғрисидаги ҳисоботнинг «Даромадлар» устунда Бош журнал китобидаги (308-сон шакл) қолдиқлар қуйидаги субсчётлар бўйича акс эттирилади:

бюджетдан молиялаштириш;

давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларининг ҳисобланган даромадлари;

тақсимланиши назарда тутилган тушумлар бўйича ҳисобланган даромадлар;

давлат мақсадли жамғармаларининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги ҳисобланган даромадлари.

68. «Даромадлар — жами» қаторида молиявий фаолият натижалари тўғрисидаги ҳисоботнинг 010, 011, 012, 013-қаторларнинг йиғинди суммаси акс эттирилади.

69. Молиявий фаолият натижалари тўғрисидаги ҳисоботнинг «Харажатлар» устунда Бош журнал китобидаги (308-сон шакл) қуйидаги субсчётлар бўйича қолдиқлар акс эттирилади:

бюджет маблағларидан ҳисобланган ҳақиқий харажатлар;

тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар;

бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар.

70. «Харажатлар — жами» қаторида молиявий фаолият натижалари тўғрисидаги ҳисоботнинг 021, 022-қаторларнинг йиғинди суммаси акс эттирилади.

71. «Жорий ҳисобот даврининг молиявий натижалари» қаторида молиявий фаолият натижалари тўғрисидаги ҳисоботнинг 020-қатордан 030-қатор айирилади ва 040, 050, 060, 070, 080, 090, 100, 110, 120, 130-қаторларни қўшилгандаги натижаси кўрсатилади. Яъни «Даромадлар — жами» қаторидан «Харажатлар — жами» қатори айирилади ҳамда давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг республика маблағлари ҳисо-

бидан ўзаро ҳисоб-китоблар, давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг Қорақалпоғистон Республикасининг республика даражасидаги, вилоятларнинг вилоят даражасидаги ва Тошкент шаҳрининг шаҳар даражасидаги маблағлари ҳисобидан ўзаро ҳисоб-китоблар, давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг туманлар ва шаҳарлар даражасидаги маблағлари ҳисобидан ўзаро ҳисоб-китоблар, давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан ҳисобланган харажатлари, Марказлашган ҳолда қабул қилинган (берилган) моддий қийматликлар, Беғараз (бепул) қабул қилинган (берилган) моддий қийматликлар, Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан мол-мулклар, Асосий воситалар, қийматликлар ва номоддий активларни қайта баҳолаш, Реализация ва харажатлар, Курс фарқи бўйича фойда (зарар)ларнинг қолдиқ суммалари акс эттирилади.

4-§. Харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот (2-сон шакл)

72. Харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисоботни тузишдан олдин давлат мақсадли жамғармалари:

тасдиқланган харажатлар сметасига белгиланган тартибда киритилган ўзгартиришларнинг Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 2169, 2010 йил 22 декабрь) мувофиқ 294-сон шаклдаги Касса ва ҳақиқий харажатларни ҳисобга олиш дафтарида (бундан буён матнда 294-сон шакл дафтари деб юритилади) тўғри акс эттирилганлиги;

ҳисобот даври учун Давлат бюджетидан молиялаштирилган маблағларни тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ (киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда) амалга оширилганлигини (тегишли мемориал ордерлар, 294-сон шакл дафтари ва бошқа ҳисоб регистрлари асосида);

ҳисобот чорагида амалга оширилган касса харажатларининг (шахсий фазна ҳисобварақлари орқали амалга оширилган тўловларнинг) тўғрилигини (тегишли мемориал ордерлар, 294-сон шакл дафтари ва бошқа ҳисоб регистрлари асосида);

ҳақиқий харажатларнинг ҳисоб регистрларида тўғри акс эттирилганлигини (тегишли мемориал ордерлар ва 294-сон шакл дафтари маълумотлари асосида) текшириб чиқишлари лозим.

73. «Тасдиқланган (аниқланган) режа» устунида харажатлар сметасидаги ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда белгиланган режа иқтисодий харажатлар таснифининг тегишли харажат моддалари бўйича кўрсатилади.

74. «Ҳисобот даври учун молиялаштирилган» устунини бўйича давлат мақсадли жамғармалари Давлат бюджетидан харажатлар сметасига мувофиқ йил бошидан ўсиб боровчи тартибда молиялаштирилган маблағлар (294-сон шакл дафтари маълумотлари асосида) харажатлар таснифининг ҳисобот шаклида келтирилган харажат гуруҳлари ва моддалари

бўйича акс эттирилади, бундан IV гуруҳ «Бошқа харажатлар» моддалари мустасно.

75. «Касса харажати — жами» устунида давлат мақсадли жамғармасининг Давлат бюджети маблағлари бўйича депозит ҳисоб рақамидан харажатлар сметасида кўзда тутилган мақсадлар учун ўтказилган маблағлар йил бошидан ўсиб борувчи тартибда (294-сон шакл дафтари маълумотлари асосида) харажатлар иқтисодий таснифининг ҳисобот шаклида келтирилган харажат гуруҳлари ва моддалари бўйича акс эттирилади.

76. «Ҳақиқий харажатлар — жами» устунида ҳақиқий харажатлар (бюджет бўйича) йил бошидан ўсиб борувчи тартибда (294-сон шакл дафтари маълумотлари асосида) харажатлар иқтисодий таснифининг ҳисобот шаклида келтирилган харажат гуруҳлари ва моддалари бўйича акс эттирилади.

77. Давлат мақсадли жамғармасининг маблағлари ҳисобидан сотиб олинган асосий воситаларга ҳисобланган эскириш суммаси харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот (2-сон шакл)да Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномада (рўйхат рақами 2146, 2010 йил 11 октябрь) белгиланган харажатлар иқтисодий таснифининг 160-бандига мувофиқ 43 50 000 «Асосий воситаларни сотиб олиш» харажат моддасининг тегишли кичик модда ва элементлари бўйича ҳақиқий харажатлар сифатида акс эттирилади.

Бунда, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан сотиб олинган асосий воситалар бўйича ҳисобланган эскириш суммаси тегишли равишда бюджетдан ташқари маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларда Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномада (рўйхат рақами 2146, 2010 йил 11 октябрь) белгиланган харажатлар иқтисодий таснифининг 160-бандига мувофиқ 43 50 000 «Асосий воситаларни сотиб олиш» харажат моддасининг тегишли кичик модда ва элементлари бўйича ҳақиқий харажатлар сифатида акс эттирилади.

78. Давлат мақсадли жамғармалари томонидан Давлат бюджетидан олинган маблағларнинг ижроси бўйича тузилган Харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот (2-сон шакл)да харажатлар иқтисодий таснифининг тегишли моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича амалга оширилган касса харажатларидан ошмаган ҳолда ҳақиқий харажатларни тўлиқ акс эттиради.

79. Харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот (2-сон шакл) бюджет тизими бюджетлари харажатлари таснифининг ҳар бир бўлим, кичик бўлим ва боби бўйича алоҳида ҳолда тузилади.

80. Давлат мақсадли жамғармалари томонидан шахсий ғазна ҳисобварақ (ҳисоб рақам)ларидаги тежаб қолинган ва белгиланган тартибда давлат мақсадли жамғармасининг махсус жамғармасига ўтказилган маблағлар алоҳида «Тежаб қолинган ва давлат мақсадли жамғармасининг махсус жамғармасига ўтказилган маблағлар» (I — IV харажат гуруҳларига қўшилмаган ҳолда) қаторида ҳисобот даврининг касса харажатлари сифатида акс эттирилади.

5-§. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумот

81. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумот бюджет ташкилотининг ҳисобот даври охирида давлат мақсадли жамғармаси бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан мавжуд дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун тузилади.

82. «Дебитор қарздорлик» қисмида давлат мақсадли жамғармасининг барча мавжуд дебиторлик қарзлари акс эттирилади.

83. «I гуруҳ бўйича жами. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар» қаторида харажатлар иқтисодий таснифининг I гуруҳ харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича мавжуд дебиторлик қарзлар акс эттирилади.

84. «II гуруҳ бўйича жами. Иш берувчиларнинг ажратмалари» қаторида харажатлар иқтисодий таснифининг II гуруҳ харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича мавжуд дебиторлик қарзлар акс эттирилади.

85. «III гуруҳ бўйича жами. Капитал қўйилмалар» қаторида харажатлар иқтисодий таснифининг III гуруҳ харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича мавжуд дебиторлик қарзлар акс эттирилади.

86. «IV гуруҳ бўйича жами. Бошқа харажатлар» қаторида харажатлар иқтисодий таснифининг IV гуруҳ харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича мавжуд дебиторлик қарзлар акс эттирилади.

87. «Харажатлар гуруҳлари бўйича жами» қаторида юқоридаги харажат гуруҳлари бўйича жами дебиторлик қарзлар акс эттирилади.

88. «Давлат мақсадли жамғармаларининг Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси (бундан буён матнда Пенсия жамғармаси деб юритилади) билан дебитор қарзлари» қаторида бюджет ташкилотларининг Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга ошириладиган тўловлар бўйича дебиторлик қарзлари акс эттирилади.

89. «Давлат мақсадли жамғармаларининг камомадларга доир дебитор қарзлари» қаторида пул маблағлари ва товар-моддий қимматликлар камомадлари бўйича ҳамда айбдор шахслар ҳисобига акс эттирилган ва белги-ланган тартибда ундириб олинган товар-моддий қимматликлар қиймати бўйича юзага келган дебиторлик қарзлари, шунингдек бошқа ҳисоб-китоблар ҳисоби акс эттирилади. Мазкур дебиторлик қарзлар Бош журнал китоби (308-сон шакл) ва Баланс (1-сон шакл)да акс эттирилган 153 100 — «Бюджет ташкилотларининг камомадларга доир дебитор қарзлари» субсчётининг ҳисобот даврида мавжуд дебет қолдиғига мос бўлиши лозим.

90. «Давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан дебитор қарзлари» қаторида вазирликлар, Давлат қўмиталари ва идораларнинг ажратмалар, шунингдек турли хил жарималар ва пенялар ҳисобидан шаклланадиган бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларининг бюджет ташкилотлари ўртасида тақсимланиши бўйича юзага келган дебитор қарздорликлар акс эттирилади.

91. Мазкур дебиторлик қарзлар Бош журнал китоби (308-сон шакл) ва Баланс (1-сон шакл)да акс эттирилган 154 000 — «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан дебитор қарзлари» субсчётининг ҳисобот даврида мавжуд дебет қолдиғига мос бўлиши лозим.

92. «Юқоридаги акс эттирилганлардан ташқари бошқа ҳисоб-китоблар бўйича дебиторлик қарзлар» қаторида юқорида келтирилмаган бошқа дебиторлик қарзлар акс эттирилади.

93. «Ҳаммаси» қаторида давлат мақсадли жамғармаларининг барча мавжуд дебиторлик қарзлари акс эттирилади.

94. «Кредитор қарздорлик» қисмида давлат мақсадли жамғармасининг барча мавжуд кредиторлик қарзлари акс эттирилади.

95. «I гуруҳ бўйича жами. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар» қаторида харажатлар иқтисодий таснифининг I гуруҳ харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича мавжуд кредиторлик қарзлар акс эттирилади.

96. «II гуруҳ бўйича жами. Иш берувчиларнинг ажратмалари» қаторида харажатлар иқтисодий таснифининг II гуруҳ харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича мавжуд кредиторлик қарзлар акс эттирилади.

97. «III гуруҳ бўйича жами. Капитал қўйилмалар» қаторида харажатлар иқтисодий таснифининг III гуруҳ харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича мавжуд кредиторлик қарзлар акс эттирилади.

98. «IV гуруҳ бўйича жами. Бошқа харажатлар» қаторида харажатлар иқтисодий таснифининг IV гуруҳ харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича мавжуд кредиторлик қарзлар акс эттирилади.

99. «Харажатлар гуруҳлари бўйича жами» қаторида юқоридаги харажат гуруҳлари бўйича жами кредиторлик қарзлар акс эттирилади.

100. «Бюджетга тўловлар бўйича бюджет қарздорликлари (I ва IV гуруҳда кўрсатилганларидан ташқари)» қаторида давлат мақсадли жамғармалари томонидан маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва реализация қилишдан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бюджетга ҳисобланган ва тўланиши лозим бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек мазкур шаклнинг I ва IV гуруҳларида акс эттирилмаган бюджет билан ҳисоб-китоблар натижасида ҳисобот даврида юзага келган кредиторлик қарзлар акс эттирилади.

101. «Давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан кредитор қарзлари» қаторида давлат мақсадли жамғармаларининг ажратмалар, шунингдек турли хил жарималар ва пенялар ҳисобидан шаклланадиган бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари ўртасида тақсимланиши бўйича юзага келган кредитор қарздорликлар акс эттирилади.

102. «Давлат мақсадли жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан кредитор қарзлари» Бош журнал китоби (308-сон шакл) ва Баланс (1-сон шакл)да акс эттирилган 344 000 — «Давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан кредитор қарз-

лари» субсчётининг ҳисобот даврида мавжуд дебет қолдигига мос бўлиши лозим.

103. «Давлат мақсадли жамғармасининг ихтиёрида вақтинча бўладиган маблағлар бўйича кредитор қарзлари» қаторида бюджет ташкилотининг ихтиёрига вақтинчалик тушган ва маълум шартлар бажарилгандан кейин қайтарилиши лозим бўлган суммалар ҳисоби бўйича юзага келган кредиторлик қарзлар акс эттирилади. Мазкур кредиторлик қарзлар Бош журнал китоби (308-сон шакл) ва Баланс (1-сон шакл)да акс эттирилган 345 000 — «Бюджет ташкилотининг ихтиёрида вақтинча бўладиган маблағлар бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг ҳисобот даврида мавжуд кредит қолдигига мос бўлиши лозим.

104. «Юқоридаги акс эттирилганлардан ташқари бошқа ҳисоб-китоблар бўйича кредиторлик қарзлари» қаторида мазкур параграфда кўрсатилмаган бошқа кредиторлик қарзлар акс эттирилади.

105. «Ҳаммаси» қаторида давлат мақсадли жамғармасининг барча мавжуд кредиторлик қарзлари акс эттирилади.

106. «Жами қарздорлик» устуни бўйича давлат мақсадли жамғармаларининг бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ҳисобот даврида мавжуд дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг жами суммаси кўрсатилади.

107. «Бюджет ҳисобидан» устунида давлат мақсадли жамғармаси бюджети маблағлари бўйича юзага келган қарздорлик кўрсатилади. «Бюджетдан ташқари маблағлар» устунида эса, бюджетдан ташқари маблағлари бўйича вужудга келган жами қарздорлик суммаси кўрсатилади.

108. Дебиторлик қарзни давлат мақсадли жамғармаси бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига аниқ ажратишнинг имкони бўлмаса, ушбу дебиторлик қарз давлат мақсадли жамғармаси бюджети маблағлари бўйича амалга оширилган касса харажатлари суммасидан ошмаган ҳолда давлат мақсадли жамғармаси бюджети маблағлари ҳисобида кўрсатилади. Дебиторлик қарзнинг қолган (Давлат мақсадли жамғармаси бюджети маблағлари бўйича амалга оширилган касса харажатлари суммасидан ошган) қисми бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобида акс эттирилади.

109. Кредиторлик қарзни давлат мақсадли жамғармаси бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобида аниқ ажратишнинг имкони бўлмаса, ушбу кредиторлик қарз Давлат бюджети бўйича қолдиқ лимит маблағи доирасида иқтисодий харажатлар таснифининг тегишли моддаси бўйича бюджет ҳисобида кўрсатилади. Кредиторлик қарзнинг қолган (давлат мақсадли жамғармаси бюджети лимитидан ошган) қисми бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобида акс эттирилади.

110. «Муддати ўтган қарздорлик — жами» устунида «Жами қарздорлик» устунида кўрсатилган қарздорликдан муддати ўтказиб юборилган, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда сўндирилмаган қарзнинг умумий суммаси, «Бюджет ҳисобидан» устунида давлат мақсадли жамғармаси бюджети маблағлари ҳисобига нисбатан вужудга келган қисми, «Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан» устунида эса, бюд-

жетдан ташқари маблағлари ҳисобига нисбатан вужудга келган қисми кўрсатилади.

111. «Республика ташқарисида» устунда муддати ўтган қарздорликнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги қисми кўрсатилади.

112. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотнинг 6-устуни «Муддати ўтган қарздорлик жами»даги маълумотлар Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумот иловасидаги Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотда олти ойгача, тўққиз ойгача, бир йилгача ва бир йилдан ошган қарздорликлар давлат мақсадли жамғармаси бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар манбаига ажратилган ҳолда акс эттирилади.

113. Давлат мақсадли жамғармаларига ҳамда ҳисобот олувчиларга ушбу ҳисобот шаклида ҳисобот олувчилар томонидан қарздорлик бўйича талаб қилинган қўшимча маълумотлар олиш имконини берувчи қўшимча реквизиитлар қўшиш мумкин.

6-§. Давлат мақсадли жамғармаларининг бошқа маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот

114. Давлат мақсадли жамғармаларининг бошқа маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот қўйидаги бюджетдан ташқари маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни мазкур Низомнинг 12-иловасига мувофиқ шаклда умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун мўлжалланган:

Пенсия жамғармасининг ижтимоий нафақаларни тўлаш учун маблағлари; ўтган йиллар дебиторлик қарзларининг тушган суммаси; ходимлардан улар ишлаётган жойида овқатланганлиги бўйича ҳисобкитоблардан тушадиган тушумлар;

давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетдан ташқари жамғармалари; капитал қўйилма маблағлари бўйича депозитлар;

тақсимланиши назарда тутилган тушумлар;

бошқа маблағлар бўйича депозитлар;

грантлар, инсонпарварлик ёрдами ва техник қўмаклашиш воситалари; кредит ва ссудалар.

115. Ҳисоботни тузишдан олдин давлат мақсадли жамғармалари қўйидагиларни текширади:

ҳисобот чораги мобайнидаги бюджетдан ташқари барча маблағларнинг шаклланиш манбалари ва сарфланишига доир бирламчи ҳужжатларнинг тўлиқлигини;

шахсий ғазна ҳисобварақларидан (ҳисоб рақамларидан) олинган кўчирмаларни ва бошқа тегишли ҳисоб регистрларини.

116. «Йил бошидаги маблағ қолдиғи» устунни бўйича давлат мақсадли жамғармалари ҳисобот шаклида келтирилган барча бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобот йилининг 1 январь санасига бўлган мавжуд қолдиқ маблағларни акс эттирадilar.

117. «Ҳисобот даврида тушган даромадлар (тушумлар)» устунда ҳисо-

бот шаклида келтирилган барча бюджетдан ташқари маблағларнинг турлари бўйича алоҳида ҳолда ҳисобот даврида давлат мақсадли жамғармасининг шахсий ғазна ҳисобварағига (ҳисоб рақамига) келиб тушган тушумлар акс эттирилади.

118. «Ўтган йил қолдиғи ҳисобидан тушган тушум» устунда ўтган молия йилида келиб тушиши лозим бўлган маблағларнинг молия йилида келиб тушган суммаси акс эттирилади.

119. «Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича олинган (берилган) маблағлар (+, -)» устунда бошқа ташкилотда тақсимланиши учун ўзаро ҳисоб-китоблар асосида тақсимланган маблағларнинг келиб тушиши ёки бошқа ташкилотга ўтказиб берилиши акс эттирилади.

120. «Ҳисобот даври охиридаги пул маблағи қолдиғи» устунда «Йил бошидаги маблағ қолдиғи», «Ҳисобот даврида тушган даромадлар (тушумлар)», «Ўтган йил қолдиғи ҳисобидан тушган тушум» ва «Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича олинган (берилган) маблағлар (+, -)» устунларининг йиғиндисидан «Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари — жами» қаторидаги суммалар айирилгандаги натижа акс эттирилади.

121. «Транзит, депозит ҳисобварақлар ва бошқа жойлаштирилган маблағлар қолдиғи» қаторида давлат мақсадли жамғармалари томонидан транзит, депозит ҳисобварақлар ва бошқа жойлаштирилган маблағлар акс эттирилади.

122. «Харажатлар ёйилмаси»да мазкур бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ҳисобот даврида амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатларни иқтисодий таснифининг харажатлар моддаси, кичик моддаси ва элементлари бўйича ҳар бир бюджетдан ташқари маблағларнинг турлари бўйича алоҳида ҳолда акс эттирилади.

7-§. Товар-моддий захиралар ва номолиявий активлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот

123. Товар-моддий захиралар ва номолиявий активлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот мазкур Низомнинг 13-иловасига мувофиқ шаклда бюджет ташкилотининг ҳисобот йили мобайнидаги товар-моддий захиралар, асосий воситалар, қийматликлар ва ноишлаб чиқариш активларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун тузилади.

124. Мазкур ҳисобот шаклини тузишдан олдин бюджет ташкилотлари: ҳисобот йил бошида мавжуд товар-моддий захиралар, асосий воситалар, қийматликлар ва ноишлаб чиқариш активлари қолдиғининг тўғрилигини (асосланганлигини);

йил мобайнида давлат мақсадли жамғармасига кирим бўлган ва давлат мақсадли жамғармасидан чиқим бўлган барча номолиявий активларни Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби бўйича алоҳида ҳолда ҳисоб регистрларида Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқноманинг (рўйхат рақами 2169, 2010 йил 22 декабрь) 24-ило-

васига мувофиқ 326-сон шаклдаги асосий воситалар бўйича айланма қайдномада, 34-иловасига мувофиқ 296-сон шаклдаги моддий қимматликларнинг миқдор-қиймат ҳисоби дафтари (карточкаси)да, Бош журнал китобида (308-сон шакл) ва бошқа тегишли регистрларда тўғри акс эттирилганлигини;

кирим ва чиқим операцияларини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлигини ва тўлиқлигини текшириб чиқади.

125. Ҳисоботда асосий воситалар, қийматликлар ва ноишлаб чиқариш активлари тўғрисидаги маълумотлар Бош журнал китоби (308-сон шакл) ва асосий воситалар, қийматликлар ва ноишлаб чиқариш активлари ҳисоби юритиладиган ҳисоб регистрлари маълумотлари асосида тўлдирилади.

Ҳисоботда асосий воситалар, қийматликлар ва ноишлаб чиқариш активларининг (давлат мақсадли жамғармаси бюджети ёки бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан олинганлиги кўрсатилган ҳолда) йил бошида мавжуд қолдиғи, ҳисобот йили мобайнида кирим бўлган асосий воситалар, қийматликлар ва ноишлаб чиқариш активларининг қиймати ва чиқим бўлган (ҳисобдан чиқарилган)ларининг қиймати, шунингдек ҳисобот даври охирида давлат мақсадли жамғармалари балансида қолган асосий воситалар ва номолиявий активларнинг қиймати кўрсатилади.

126. Асосий воситалар, қийматликлар ва ноишлаб чиқариш активларини ҳар йилги қайта баҳолаш натижасида бошланғич (қайта тиклаш) қийматининг ўзгариши (ошиши ёки камайиши) ҳисобот шаклининг алоҳида 608 — «қайта баҳолаш натижасида» қаторида акс эттирилади.

127. Товар-моддий захиралар бўйича ҳисобот даври бошида ва охирида қолдиғи, шунингдек давлат мақсадли жамғармалари эҳтиёжлари учун товар-моддий захираларнинг давлат мақсадли жамғармалари бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан сарфланган суммаси алоҳида ҳолда кўрсатилади.

Давлат мақсадли жамғармасига ҳисобот даври мобайнида кирим бўлган товар-моддий захиралар, жумладан текин ва сотиб олинган, ортиқча материалларнинг кирим қилинган ҳамда йил мобайнида чиқим қилинган материал захиралари (текин берилган, сотилган, камомадлар ва бошқа сабаблар туфайли чиқим қилинган) қиймати кўрсатилади.

128. Ҳисобот шакли давлат мақсадли жамғармалари томонидан ҳисобот чораги (йили) учун топшириладиган Баланс (1-сон шакл) билан бирга тақдим қилинади.

8-§. Давлат мақсадли жамғармаларида чет эл валютасидаги маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот

129. Давлат мақсадли жамғармаларида чет эл валютасидаги маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот мазкур Низомнинг 14-иловасига мувофиқ шаклда тузилади ҳамда давлат мақсадли жамғармаларининг ҳисобот даври мобайнидаги чет эл валютасидаги маблағлар ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни акс эттиради.

130. Давлат мақсадли жамғармалари чет эл валютасидаги маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни тузишдан олдин:

ҳисоб рақамлардан (шахсий ғазна ҳисобварақлардан) олинган кўчирмаларни ва бошқа тегишли ҳисоб регистрлари маълумотларининг тўғрилигини;

чет эл валюталарида тушган маблағларнинг шаклланиши ва сарфланишига оид барча дастлабки ҳужжатларнинг тўлиқлигини;

аналитик ҳисоб маълумотларининг тегишли синтетик ҳисоб маълумотларга мувофиқлигини текшириб чиқади.

131. «Йил бошидаги пул маблағи қолдиғи» қаторида тегишли ҳисоб рақамлардан (шахсий ғазна ҳисобварақлардан) кўчирмаларга мувофиқ хорижий валюталар бўйича ҳисобот йилининг 1 январь санасига мавжуд пул маблағлари қолдиғи акс эттирилади.

132. «Ҳисобот даврида тушган даромад (тушум)лар — жами» қаторида «а», «б», «в», «г», «д», «е», «ж» ва «з» қаторлар бўйича ҳисобот даврида тушган даромадлар (тушумлар)нинг йиғиндиси кўрсатилади:

«а) чет эл валютасида маҳсулотлар сотиш (ишлар, хизматлар кўрсатиш)дан тушумлар» қаторида фаолият тури бўйича чет эл валютасида маҳсулотлар сотиш (ишлар, хизматлар кўрсатиш)дан тушган тушумлар кўрсатилади;

«б) бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобидан чет эл валютасини сотиб олиш» қаторида бюджетдан ажратилган маблағлари ҳисобидан сотиб олинган чет эл валютаси суммаси акс эттирилади;

«в) бюджетдан ташқари пул маблағлари ҳисобидан чет эл валютасини сотиб олиш» қаторида бюджетдан ташқари пул маблағлари ҳисобидан сотиб олинган чет эл валютаси суммаси акс эттирилади;

«г) чет эл валютасида олиниши белгиланган кредит, қарз ёки грантлар» қаторида чет эл валютасида олинган кредит, қарз ёки грант маблағлари суммаси кўрсатилади;

«д) юридик ва жисмоний шахслар томонидан чет эл валютасида кўрсатилган ҳомийлик (беғараз) ёрдам» қаторида юридик ва жисмоний шахслар томонидан давлат мақсадли жамғармаларига чет эл валютасида кўрсатилган ҳомийлик (беғараз) ёрдам маблағлари акс эттирилади;

«е) давлат мақсадли жамғармасининг вақтинча ихтиёрида сақланадиган чет эл валютасидаги пул маблағлари» қаторида бюджет ташкилотлари ихтиёрида вақтинча сақланадиган чет эл валюта маблағларининг суммаси кўрсатилади;

«ж) валюта курсининг ижобий фарқи ҳисобига ҳосил бўлган маблағлар» қаторида Марказий банк томонидан ўрнатилган чет эл валютасининг сўмга нисбатан курсининг ижобий фарқ ҳисобига ҳосил бўлган маблағлар суммаси акс эттирилади.

«з) бошқа тушумлар» қаторида қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар суммаси кўрсатилади.

133. «Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари — жами» қаторида 4-устун «Касса харажат»да акс эттирилган жами касса харажатлари суммаси кўрсатилади.

134. «Валюта курсининг салбий фарқ ҳисобига ҳосил бўлган зарарлар» қаторида ҳисобот даврининг охириги кунда Марказий банк томонидан ўрнатилган чет эл валютасининг сўмга нисбатан қийматининг салбий фарқи ҳисобига кўрилган зарар суммаси акс эттирилади.

135. «Ҳисобот даври охирида пул маблағи қолдиғи» қаторида «Йил бошидаги пул маблағи қолдиғи» қаторида акс эттирилган сумма ва «Ҳисобот даврида тушган даромад (тушум)лар — жами» қаторида акс эттирилган тушумлар йиғиндисидан «Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари — жами» ва «Валюта курсининг салбий фарқ ҳисобига ҳосил бўлган зарарлар» қаторлари айирмаси кўрсатилади.

136. «Харажатлар ёйилмаси» устунида чет эл валютаси ҳисобидан амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатлар мазкур ҳисобот шаклида келтирилган харажатлар иқтисодий таснифининг харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича акс эттирилади.

9-§. Молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш ва тақдим қилиш

137. Дастурий мажмуага уланган давлат мақсадли жамғармалари молиявий ҳисоботларни электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон шаклда Молия вазирлигига тақдим этади.

138. Дастурий мажмуа орқали электрон шаклда топширилган молиявий ҳисоботлар бир нусхада қоғозга чоп этилиб, ҳисобот берувчи давлат мақсадли жамғармаси раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланади. Имзоланган молиявий ҳисоботлар ҳисобот берувчи давлат мақсадли жамғармасида белгиланган тартибда сақланади.

139. Молиявий ҳисоботларни электрон шаклда тақдим қилиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда, давлат мақсадли жамғармалари молиявий ҳисоботларни Молия вазирлигига қоғоз шаклида имзоланган ҳолда бир нусхада тақдим этади.

Ҳисоботлар давлат мақсадли жамғармаларининг муҳрлари ҳамда мазкур Низомнинг 138-бандида кўрсатилган ваколатли шахсларнинг имзолари қўйилмаса ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

140. Давлат мақсадли жамғармалари молиявий ҳисоботларни ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-санасига қадар Молия вазирлигига тақдим этидилар.

141. Давлат мақсадли жамғармалари учун молиявий ҳисоботларни тақдим этиш санаси улар томонидан ҳақиқатда тақдим этилган сана ҳисобланади. Ҳисобот тақдим этиш учун белгиланган муддат ишланмайдиган кунга тўғри келганда, ундан кейин келадиган биринчи иш кунида тақдим этилади.

142. Давлат мақсадли жамғармалари томонидан молиявий ҳисоботлар белгиланган муддатда топширилмаганда, Молия вазирлиги давлат мақсадли жамғармалари раҳбарларини ёзма равишда ёки дастурий мажмуа орқали электрон тарзда огоҳлантирган ҳолда давлат бюджетидан харажатлар-

ни молиялаштиришни (тўлаш) чеклашлари, зарур ҳолларда тўхтатиб қўйишлари мумкин.

Молиявий ҳисоботларни электрон тарзда тақдим этувчи давлат мақсадли жамғармалари ҳисоботларни топшириш муддатидан камида беш кун олдин дастурий мажмуа орқали уларни тақдим этиш муддатлари яқинлашгани ҳамда молиявий ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этилмаган кундан бошлаб тўловларни амалга оширишга автоматик чекловлар бўлиши тўғрисида огоҳлантирилади.

143. Молиявий ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиш имконияти чекланганлиги ёки маълум бир узрли сабаблар кўрсатилган ҳолда давлат мақсадли жамғармалари раҳбарининг ёзма равишдаги мурожаатига асосан ҳисоботларни топшириш муддати кўпи билан беш иш кунига кечиктирилиши мумкин.

144. Молиявий ҳисоботларда келтирилган маълумотлар ўчирилган ёки устидан ёзилган бўлмаслиги керак. Ҳисоботларда хатолар тузатилганда тегишли қайдлар қилинади (электрон протоколлар юритилади), уларни ҳисоботларга имзо чеккан шахслар тасдиқлайдилар.

Молиявий ҳисоботларга киритилган барча тузатишлар ҳақида юқори турувчи ташкилот томонидан текшириш ва тасдиқлашда мазкур молиявий ҳисоботлар тақдим этилган барча жойларга (манзилгоҳларга) мажбурий тартибда хабар қилиниши лозим.

145. Молия вазирлиги молиявий ҳисоботларда номувофиқликлар ва ноаниқликлар мавжуд бўлганда, ўз эътироз ва таклифларини давлат мақсадли жамғармаларига улар қабул қилинган кундан бошлаб беш кундан кечиктирмасдан хабар қилади.

6-боб. Давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадларининг тушумлари тўғрисидаги ҳисоботни тузиш ва тақдим қилиш

146. Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган манбалар бўйича тушумлар тўғрисидаги ҳисобот электрон шаклда мазкур Низомнинг 15-иловасига* мувофиқ шаклда тузилади ҳамда ҳар чорақда чорақлик ҳисоботларни топширишнинг охириги муддатидан кейинги ойнинг охириги иш кунигача (йил якуни бўйича йиллик ҳисоботларни топширишнинг охириги муддатидан кейинги ойнинг охириги иш кунига) Молия вазирлигига тақдим этади.

147. Молия вазирлиги давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига тушумлар тўғрисидаги ҳисоботларни тўғри тузилишини таъминлаш мақсадида, ҳисоботлардаги хатоликларни бартараф қилиш ва ҳисоботларга зарур ўзгартиришлар киритиш тўғрисида давлат мақсадли жамғармаларига кўрсатмалар бериши мумкин.

148. Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари тушуми тўғрисидаги ҳисобот қуйидаги тартибда мазкур Низомнинг 15-иловасига мувофиқ шаклда тўлдирилади:

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Бюджет таснифига кўра даромад коди» устунда бюджет таснифи бўйича даромадларнинг турларининг кодлари акс эттирилади;

«Даромадлар номи» устунда бюджет таснифи бўйича даромадлар турларининг номлари кўрсатилади;

Ҳисобот йили бошида «Солиқ ва бошқа тўловлар қарзи» устунига йил бошида жисмоний, юридик шахсларнинг солиқ ва бошқа тўловлардан қарздорликлари тегишли даромад кодлари бўйича кўрсатилади;

Ҳисобот йили бошида «тўлаш муддати узайтирилган қарз» устунда «Солиқ ва бошқа тўловлар қарзи» устунидан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тўлаш муддати узайтирилган қарзлар акс эттирилади;

Ҳисобот йили бошида «ортиқча тўланган солиқ ва бошқа тўловлар» устунда йил бошида жисмоний, юридик шахсларнинг солиқ ва бошқа тўловлардан ортиқча тўловларни тегишли даромад кодлари бўйича акс эттиради;

Ҳисобот йили бошида «Ўтган ҳисобот йилларига йил бошида киритилган ўзгаришлар (+/-)» устунда солиқ ва бошқа тўловлар бўйича текширишлар ёки бошқа ҳисоб-китобларда йил бошида қарздорликлар ошганда ижобий сон билан, камайганда эса салбий сон билан тўлдирилади;

Ҳисобот даврида «ҳисобланган солиқ ва бошқа тўловлар» устунда солиқ ва бошқа тўловларнинг даромад турлари бўйича ҳисобот даврида ҳисобланган солиқ ва бошқа тўловларнинг суммаси кўрсатилади;

Ҳисобот даврида «жорий йилда қайта ҳисоб-китоб қилинган солиқ ва бошқа тўловлар (+/-)» устунда жорий йилдаги ҳисобот даврдан олдинги ҳисобот даврларида солиқ ва бошқа тўловлар бўйича текширишлар ёки бошқа ҳисоб-китобларда қайта ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ошганда ижобий сон билан, камайганда эса салбий сон билан акс эттирилади;

Ҳисобот даврида «ҳақиқий тушум миқдори» устунда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан ҳисобот даврида йил бошидан тушган даромадлар акс эттирилади;

Ҳисобот даври охирида «солиқ ва бошқа тўловлар қарзи» устунда ҳисобот даври охирида солиқ ва бошқа тўловлардан мавжуд қарздорликлар кўрсатилади.

Ҳисобот даври охирида «тўлаш муддати узайтирилган» устунда ҳисобот даври охирида солиқ ва бошқа тўловлардан мавжуд қарздорликларнинг тўлаш муддати узайтирилганлари тўлдирилади;

Ҳисобот даври охирида «ортиқча тўланган солиқ ва бошқа тўловлар» устунда жисмоний ва юридик шахсларнинг солиқ ва бошқа тўловлардан ортиқча тўловларни тегишли даромад кодлари бўйича акс эттиради.

149. Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига тушумлар тўғрисидаги маълумотлар ҳисоботда йил бошидан ўсиб боровчи тартибда тўлдирилади.

7-боб. Давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар

150. Давлат мақсадли жамғармалари ҳар ой, чорак ва йил якуни бўйи-

ча Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 166-моддасига асосан «Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот шаклини тасдиқлаш ва муддатларини белгилаш тўғрисида»ги буйруқда (рўйхат рақами 2624, 2014 йил 10 ноябрь) тасдиқланган шаклларга мувофиқ давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот шаклларини ҳисобот даврдан кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмасдан Молия вазирлигига тақдим этадилар.

151. Давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботга тушунтириш хати илова қилинади. Тушунтириш хатида давлат мақсадли жамғармалари бюджет ижросининг асосий кўрсаткичлари, бюджет ижросига таъсир этган асосий омиллар, прогноз кўрсаткичларининг бажарилмаганлик сабаблари ва молиявий ҳисоботларда очиб берилган маълумотлар акс эттирилади.

8-боб. Назорат ва жавобгарлик

152. Бюджет ва смета-штат интизомига риоя қилинишининг назорат этилишини таъминлаш мақсадида, харажатлар сметаси рўйхатдан ўтказилгандан сўнг бир ҳафталик муддатда давлат мақсадли жамғармалари томонидан бюджет тизими бюджетидан молиялаштириладиган давлат мақсадли жамғармаларининг бюджет ва смета-штат интизомига риоя қилинишини таъминловчи буйруқлар чиқарилади. Буйруқларда қуйидагилар белгиланади:

бюджет ва смета-штат интизомига риоя қилиш, харажатларни тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида амалга ошириш;

улар бўйсунувидаги ҳудудий бўлимларнинг раҳбарларининг қуйидагилар бўйича мажбуриятлари:

бюджет интизомига риоя қилинишини назорат қилиш;

бюджетга келтирилган зарарни қоплаш бўйича чораларни кўриш;

бюджет интизомини бузган шахсларни қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиш.

153. Буйруқ чиқарилгандан сўнг уч кун муддат ичида унинг бир нусхаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

154. Давлат мақсадли жамғармаси раҳбари ёки у ваколат берган шахс, шунингдек ҳудудий жамғармалар раҳбарлари смета-штат интизомига ва смета-штат ҳужжатларининг тақдим этиш муддатларига риоя қилиниши учун шахсан жавобгардир.

Рўйхатдан ўтказиш учун тақдим қилинган харажатлар сметасида келтирилган ҳисоб-китобларда кўрсатилган давлат мақсадли жамғармаларининг иқтисодий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари (майдони, ҳажми, сарфланаётган коммунал хизматлари бўйича табиий кўрсаткичлар ҳажми ҳамда улар бўйича харажатларнинг тасдиқланган харажатлар сметасига ва паспорт маълумотиغا, шартномалар ва бошқаларга мослиги)нинг тўғрилиги ва асосланганлиги учун давлат мақсадли жамғармаларининг раҳбарлари ва бош

бухгалтерлари (бухгалтерлари), молия-иқтисод бўлими бошлиқлари (штанг жадвалларига мувофиқ молия-иқтисод масалалари бўйича мутахассислар) шахсан жавобгар бўлади.

Рўйхатдан ўтказиш учун тақдим қилинган жамланма харажатлар сметасида келтирилган ҳисоб-китобларда кўрсатилган давлат мақсадли жамғармаларининг иқтисодий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг тўғрилиги ва асосланганлиги учун давлат мақсадли жамғармаларининг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари (бухгалтерлари), молия-иқтисод бўлими бошлиқлари шахсан жавобгар бўлади.

155. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

156. Мазкур Низом Мутахассисларни хоризжда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Туризм ва спорт вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси ва Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан келишилган.

Келишилди:

«Эл-юрт умиди»

жамғармаси директори

А. БЕКМУРОДОВ

2021 йил 5 октябрь

Бандлик ва меҳнат

муносабатлари вазири

Н. ХУСАНОВ

2021 йил 22 октябрь

Қишлоқ хўжалиги вазири

Ж. ХОДЖАЕВ

2021 йил 13 октябрь

Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги директори

Р. БОБОЕВ

2021 йил 27 октябрь

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ХАДЖИБАЕВ

2021 йил 11 октябрь

Халқ таълими вазири

Ш. ШЕРМАТОВ

2021 йил 12 октябрь

*Иқтисодий тараққиёт ва
камбағалликни қисқартириш
вазири*

Д. КУЧКАРОВ

2021 йил 30 октябрь

*Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазири*

Ш. САДИКОВ

2021 йил 22 октябрь

Туризм ва спорт вазири

А. АБДУХАКИМОВ

2021 йил 4 октябрь

*Давлат активларини бошқариш
агентлиги директори*

А. ОРТИКОВ

2021 йил 4 октябрь

*«Ўзбекбалиқсаноат»
уюшмаси раиси*

О. МУСАЕВ

2021 йил 5 октябрь

*Давлат тиббий сугурта
жамғармаси ижро
этувчи директори*

Ф. ШАРИПОВ

2021 йил 8 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

746 «Болаликдан ногиронларга ва ўн саккиз ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга нафақалар тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
10 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1927-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, **буюраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 19 ноябрь,
74-сон

Келишилди:

*Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири*

Н. ХУСАНОВ

2021 йил 16 ноябрь

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2021 йил 19 ноябрдаги
74-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-
ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 24 февралдаги 27-сон «Болалиқдан ногиронларга ва ўн саккиз ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга нафақалар тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1927, 2009 йил 27 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 13-сон, 151-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 20 январдаги 5-сон «Болалиқдан ногиронларга нафақалар тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1927-1, 2010 йил 8 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 6-7-сон, 55-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2011 йил 28 июлдаги 45-сон «Болалиқдан ногиронларга нафақалар тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1927-2, 2011 йил 2 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 31-сон, 333-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2014 йил 3 ноябрдаги 70-сон «Болалиқдан ногиронларга нафақалар тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1927-3, 2014 йил 20 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 47-сон, 565-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

747 Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 10 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-8

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/3-сон қарори (рўйхат рақами 2693, 2015 йил 6 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 27-сон, 360-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан бир ойдан кейин кучга кирилади.

Раис

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 19 ноябрь,
27/5-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2021 йил
19 ноябрдаги 27/5-сон қарорига
ИЛОВА

Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. 2-банднинг тўртинчи хатбошиси қўйидаги тахрирда баён этилсин:
«стандарт активларга яратиладиган захиралар — банк фаолияти давомида умуман ёки бирор-бир фаолият тури натижасида эҳтимолий йўқотишларни қоплаш мақсадида ташкил қилинадиган захиралар;».

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 декабрда эълон қилинган.

2. 14-банднинг «б» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) чегирмалардан сўнг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активлар суммасининг 1,25 фоизидан юқори бўлмаган миқдордаги стандарт активларга яратиладиган захиралар;».

3. 1-илованинг учинчи позицияси «Тавсифи» устундаги «қимматли қоғозлар» деган сўзлардан кейин «ҳамда ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари томонидан чиқарилган таъминланган қарз муносабатларини тасдиқловчи қимматли қоғозлар» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4. 3 — 6-иловалардаги «Ўстирмаслик» мақоми берилган, суд жараёнидаги» деган сўзлар «Суд жараёнидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

748 Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 10 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2696-3

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/5-сон қарори (рўйхат рақами 2696, 2015 йил 14 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 28-сон, 374-модда) билан тасдиқланган Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 декабрда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан бир ойдан кейин кучга кириди.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 19 ноябрь,
27/7-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2021 йил
19 ноябрдаги 27/7-сон қарорига
ИЛОВА

Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар (бундан буён матнда захиралар деб юритилади) шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.».

2. 1-бандда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**активлар** — кредит, микроқарз, овердрафт, лизинг, факторинг, қимматли қоғозлар, инвестициялар, бошқа банклардаги маблағлар, олиниши лозим бўлган ҳисобланган ва (ёки) ундирилмаган фоизли ва фоизсиз даромадлар, банкнинг бошқа хусусий мулклари, бўлиб-бўлиб тўлаш шаклида сотилган мулклар, балансдан ташқари моддалар (чақириб олинмайдиган кредит мажбуриятлари, фойдаланилмаган кредит линиялари, аккредитивлар, кафолатлар) ҳамда кредит таваккалчилиги мавжуд бўлган бошқа активлар ва балансдан ташқари моддалар»;

қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«**кредит таваккалчилиги** — қарздор томонидан банк олдидаги мажбуриятларини шартнома ёки қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган муддат ва шартларда бажарилмаслиги (лозим даражада бажарилмаслиги) оқибатида юзага келиши мумкин бўлган йўқотиш (зарар) ва/ёки режалаштирилган даромадни олмаслик таваккалчилиги;

муддати ўтган қарздорлик — қарздор томонидан шартнома ёки

қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган муддат ва шартларда бажарилмаган (лозим даражада бажарилмаган) банк олдидаги мажбуриятлар;

активнинг жами қиймати — активнинг банк балансида ва балансдан ташқари моддаларда акс этирилган асосий қарзи ва унга ҳисобланган фоизлари, пеня, комисион ва бошқа фоизсиз тўловлари қолдиғининг улар бўйича яратилган захира айрилмаган миқдори.».

3. Қўйидаги мазмундаги 1² — 1⁴-бандлар билан тўлдирилсин:

«1². Мазкур Низом талабларига мувофиқ қўйидаги активлар сифати бўйича таснифланади:

банклараро депозитлар ва кредитлар, вакиллик ҳисобварақларидаги пул маблағлари;

банклараро ҳисоб-китобларда фойдаланиладиган маблағлар ва банкларга жойлаштирилган бошқа маблағлар;

банкнинг кредит бўйича талаблари, шу жумладан қарз, кредит, микроқарз, овердрафт (мижозларнинг депозит ҳисобварақларидаги дебет қолдиғи), лизинг, факторинг;

юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) ва қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар, шунингдек репо келишувлари доирасида сотилган қимматли қоғозлар;

олиниши лозим бўлган ҳисобланган ва (ёки) ундирилмаган фоизли ва фоизсиз даромадлар, жарима ва пенялар;

бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган активлар бўйича талаблар;

активлар бўйича гаров ҳисобидан ундирилган мол-мулклар;

тўлаб берилган бўнақлар ва дебиторлик қарздорликлари;

балансдан ташқари моддалардаги мажбуриятларнинг, шу жумладан банк қафолати ва аккредитивнинг банк томонидан бажарилиши натижасида вужудга келган активлар;

кредит таваккалчилиги мавжуд бўлган балансдан ташқари моддалар, шу жумладан фойдаланилмаган кредит линиялари, қафолатлар, чақириб олинмайдиган мажбуриятлар, савдога оид молиялаштиришлар (аккредитив ва бошқалар);

кредит таваккалчилиги мавжуд бўлган бошқа активлар ва балансдан ташқари моддалар.

Балансдан ташқари моддаларнинг қийматини ҳисоблашда капитал монандлиги ҳисоб-китобларидаги кредитнинг қайта ҳисоблаш омили қўлланилгандан сўнг чиққан натижалар олинади.

1³. Мазкур Низом талаблари банкларнинг Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкига (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига нисбатан тўғридан-тўғри талабларига, шу жумладан сотиб олинган давлат қимматли қоғозларига нисбатан қўлланилмайди.

1⁴. Активлар бўйича қарздорнинг муддати ўтган қарздорликлари ёки 2-сон картотекасидаги тўлов ҳужжатлари миқдори кичик миқдорга тенг ёки ундан кам бўлганда, ушбу актив сифатининг таснифи пасайтирилиши талаб этилмайди.

Кичик миқдор деганда жисмоний шахсга ажратилган актив бўйича 100 000 сўмдан, юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорга ажратилган актив бўйича 1 000 000 сўмдан кўп бўлмаган ҳамда активнинг жами қийматининг бир фоизидан ошмаган миқдор тушунилади.»

4. 9-банднинг бешинчи хатбошисидаги «асосий қарзи ва» деган сўзлардан кейин «(ёки)» деган сўз билан тўлдирилсин.

5. 11, 13, 15, 18, 21, 23, 31, 44, 50, 54 ва 55-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

6. 12-бандда:

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қарздорнинг 2-сон картотекаси мавжуд бўлиб, ундаги тўлов ҳужжатларининг муддати 90 кундан ошмаган бўлса (2-сон картотекасида ушбу активни сўндириш бўйича тўлов талабномаси мавжуд бўлган ёки фаолияти мавсумий хусусиятга эга қарздорлар бундан мустасно);»;

еттинчи ва саккизинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ишончли (эътимодли) активларнинг асосий қарзи ва (ёки) фоизлари бўйича 90 кундан ошмаган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса;

таъминланган активлар бўйича асосий қарз ва (ёки) фоизлар бўйича 31 кун ва ундан ортиқ, лекин 90 кундан ошмаган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса.»

7. 14-бандда:

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қарздорнинг 2-сон картотекасида 91 кун ва ундан ортиқ, лекин 180 кундан ошмаган муддатга кечиктирилган тўлов ҳужжатлари мавжуд бўлса (2-сон картотекасида ушбу активни сўндириш бўйича тўлов талабномаси мавжуд бўлган ёки фаолияти мавсумий хусусиятга эга қарздорлар бундан мустасно);»;

еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«банк активининг таъминот қийматига нисбати банкнинг ички ҳужжатларида кўрсатилган чегарадан кўп бўлса (ишончли (эътимодли) активлар бундан мустасно);»;

саккизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўққизинчи хатбоши саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«асосий қарз ва (ёки) фоизлар бўйича 91 кун ва ундан ортиқ, лекин 180 кундан ошмаган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса.»

8. 17-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қарздорнинг 2-сон картотекасида 181 кун ва ундан ортиқ, лекин 365 кундан ошмаган муддатга кечиктирилган тўлов ҳужжатлари мавжуд бўлса (2-сон картотекасида ушбу активни сўндириш бўйича тўлов талабномаси мавжуд бўлган ёки фаолияти мавсумий хусусиятга эга қарздорлар бундан мустасно);»;

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«асосий қарз ва (ёки) фоизлар бўйича 181 кун ва ундан ортиқ, лекин 365 кундан ошмаган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса.».

9. 20-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Қуйида келтирилган омиллардан ҳеч бўлмаганда биттаси мавжуд бўлса, активларнинг сифати «умидсиз» деб таснифланади:

қарздор ва лизинг олувчидан ундирилган, гаровга қўйилган мол-мулкка бўлган ҳуқуқлардан фойдаланиш йўли билан тижорат банки томонидан балансга қабул қилинган кундан бошлаб уч ой муддатда сотилмаган ва банк фаолиятини кенгайтириш учун сотиб олинган бинодан икки йил мобайнида фойдаланилмаган ҳамда банк фаолияти учун ортиқ фойдаланилмай қўйилган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида сотилмаган бўлса;

қарздорнинг 2-сон картотекасида муддати 366 кун ва ундан ортиқ кунга кечиктирилган тўлов ҳужжатлари мавжуд бўлса;

асосий қарз ва (ёки) фоизлар бўйича 366 кун ва ундан ортиқ кунга муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса.».

10. 22-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22. Битта қарздорга берилган бир нечта активлар мавжуд бўлса, банк ўзи тақдим этган активни қарздорга берилган барча активлар ичида энг паст тоифада таснифланган актив сифатидек таснифлаши лозим.».

11. 26-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«26. Активларнинг юқори ликвидли таъминотига:

давлат қимматли қоғозлари гарови;

банк капитали монандлиги ҳисоб-китобларида таваккалчилик даражаси 0 фоиз бўлган хорижий давлатларнинг ҳукуматлари ва Марказий банкларининг кафолати ёки улар томонидан эмиссия қилинган қимматли қоғозлар гарови;

Жаҳон банки гуруҳи (Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Халқаро инвестицияларни кафолатлаш агентлиги, Халқаро тараққиёт ассоциацияси) ҳамда Осиё тараққиёт банки, Осиё инфраструктура инвестиция банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа инвестиция банки, Европа инвестиция жамғармаси, Ислон тараққиёт банки ва Европа Кенгашининг тараққиёт банклари кафолати;

кредитор банкдаги депозитлар ёки депозит сертификатлари гарови киради.».

12. Қуйидаги мазмундаги 26¹-банд билан тўлдирилсин:

«26¹. Активлар юқори ликвидли таъминот билан таъминланганда улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплашга мўлжалланган захира миқдори қуйидаги формулага мувофиқ аниқланади:

$$Z = (AJM - TQ * (1-Ch)) * m$$

бунда:

Z — шакллантирилиши лозим бўлган захира миқдори;

AJM — активнинг жами қиймати суммаси;

TQ — юқори ликвидли таъминот қиймати;

Ch — валютадаги тафовутни ҳисобга олиш омили. Мазкур омил актив ифодаланган валюта у бўйича қабул қилинган таъминот валютасидан фарқ қилмаса 0 га, фарқ қилса 0,1 га тенг бўлади;

m — актив таснифи бўйича шакллантирилиши лозим бўлган захира яратиш меъёри.

Бунда, активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплашга мўлжалланган захира миқдори 0 ёки ундан кичик (манфий) бўлса, актив бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплашга мўлжалланган захира шакллантирилмайди.».

13. 27-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27. Банк томонидан қабул қилинувчи мазкур Низомнинг 26-бандида назарда тутилган гаров турлари қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим: кимматли қоғозлар, банкдаги депозитлар, депозит сертификатлар гаров сифатида қабул қилинган бўлса, уларнинг муддати тегишли активни сўндириш муддатидан кам бўлмаслиги;

кредитор банкдаги депозит гаров предмети бўлса, гаров шартномаси шартларига биноан қарз олувчи ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолатда банкнинг ушбу маблағларни сўзсиз назорат қилиш ва уларни тасарруф эта олиш ҳуқуқи бўлиши;

банк активи банкдаги депозитлар билан таъминланган бўлса, депозит активни таъминлаш учун тегишли ҳисобварақда юритилиши ҳамда кредит шартномаси ёки бошқа шартномада қарз олувчи томонидан актив қайтарилмаган ёки мажбуриятлари бажарилмаган ҳолда банк акцептсиз тартибда депозитни тасарруф этиши, шунингдек қарз олувчи ихтиёрий равишда ушбу депозитни у билан таъминланган активни сўндириш учун йўналтириши мумкин эканлиги шарт қилиб қўйилиши лозим.

Бунда, банк активни қайтариш муддати етиб келгунга қадар депозитдан маблағларни олишга йўл қўймаслик мақсадида зарур чораларни кўриши ва назорат ўрнатиши керак.».

14. Қуйидаги мазмундаги 27¹-банд билан тўлдирилсин:

«27¹. Кафолат юқори ликвидли таъминот ҳисобланиши учун бир вақтнинг ўзида қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

кафолат муддати ва асосий мажбурият муддатлари мос бўлиши;

қарз олувчи ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолларда, шартнома ва (ёки) ўзаро келишувда кафолат шартларини бажариш муддатларига доир ҳеч қандай чекловлар бўлмаслиги;

кафил томонидан тақдим этилган кафолат ҳужжатлаштирилган мажбурият ҳисобланиши;

банкнинг мажбуриятни кафилдан тўғридан-тўғри талаб қилиш ҳуқуқи бўлиши;

қарз олувчининг банк олдидаги мажбурияти бўйича тақдим этилган кафолат миқдори аниқ белгиланган бўлиши;

кафолат чақириб олинмайдиган ва сўзсиз бўлиши, яъни бир томонлама тартибда кафил кафолатни бекор қилиши, кафолат қийматини ошири-

ши, кафолат муддатини қисқартириши, шунингдек кафолат бўйича маблағларни тўлиқ ёки қисман тўламаслигига имкон яратувчи шартларнинг мавжуд эмаслиги;

қарз олувчи кафолат билан таъминланган мажбуриятларини бажармаган ҳолларда, банк кафилдан кафолат бўйича тўловни амалга оширишини талаб қилиш ҳуқуқи бўлиши.».

15. 28-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«28. Активларнинг қуйида келтирилган асосий шартларидан ҳеч бўлмаганда биттаси ўзгартирилган бўлса, улар шартлари қайта кўриб чиқилган активлар деб ҳисобланади:

фоиз ставкасининг пасайтирилиши, шартномада белгиланган ўзгарувчан фоиз ставкаси пасайиши муносабати билан фоиз ставкасининг пасайтирилиши ҳолатлари бундан мустасно;

асосий қарзнинг камайтирилиши ёки ундан қисман воз кечилиши, активнинг фойдаланилмаган қисми камайтирилиши бундан мустасно;

фоизлар ва (ёки) асосий қарзга доир тўловларнинг бир қисми ёки барчасидан воз кечилиши;

активнинг асосий қисми ва (ёки) фоизларининг тўлаш муддати кечиктирилиши ёки узайтирилиши, мижозни молиялаштиришни бошлаш муддати ўзгариши ҳисобига тўлов графигининг ёки тўловлар тўланадиган ой ичида тўлов санасининг ўзгартирилиши бундан мустасно;

таъминот турининг ўзгартирилиши, кредитнинг бир қисми қайтарилганлиги муносабати билан таъминотдан чиқарилган ҳамда актив суммасини гаров суммасига нисбати банкнинг ички ҳужжатларида кўрсатилган чегарадан кўп бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно;

фоизларнинг капитализация қилиниши;

мазкур банднинг иккинчи — еттинчи хатбошиларида кўрсатилган шартлардан бирини ёки бир нечтасини қўллаган ҳолда қарз олувчининг ўзгартирилиши.».

16. Қуйидаги мазмундаги 28¹-банд билан тўлдирилсин:

«28¹. Кредит шартномаси шартлари қуйидагича ўзгартирилганда кредит таснифи ўзгартирилмайди ва шартлари қайта кўриб чиқилган активлар деб таснифланмайди:

фоиз ставкаси пасайтирилганда, бунда ўзгартиришдан сўнг миллий валютадаги кредитлар бўйича фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкаси + 2 фоиз банддан кам бўлмаслиги лозим;

кредит валютаси ўзгартирилганда, бунда кредит хорижий валютадан миллий валютага ўзгартирилганда кредитлар бўйича фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкаси + 2 фоиз банддан кам бўлмаслиги лозим;

кредитнинг имтиёзли даври 6 ойгача узайтирилганда, бунда дастлабки график бўйича фоизлар тўлиқ тўланган ва янги графикда фоиз тўловлари назарда тутилган ҳамда кредитнинг имтиёзли даври тугамаган ва биринчи марта узайтирилаётган бўлиши, шунингдек шартноманинг охириги муддати узайтириш узайтирилаётган имтиёзли муддатдан кўп бўлмаслиги шарт.

Бунда, кредит шартномаси шартлари қайта кўриб чиқиладиган вақтда

қарздорнинг барча банклардан олинган кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлмаслиги ва унинг кредити сифати «стандарт» ёки «субстандарт» тоифасида бўлиши ҳамда қайта кўриб чиқиладиган шартнома бўйича тўловларни тўлашда сўнги 6 ой ичида муддати кечиктирилган кунларнинг жами миқдори 60 кундан ошмаган бўлиши лозим.»

17. 30-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

18. 36-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«36. Тижорат банки активининг жами қийматига нисбатан активлар:

«стандарт» деб таснифланганда бир фоиз;

«субстандарт» деб таснифланганда ўн фоиз;

«қониқарсиз» деб таснифланганда йигирма беш фоиз;

«шубҳали» деб таснифланганда элик фоиз;

«умидсиз» деб таснифланганда юз фоиз миқдорда банк харажати ҳисобидан захира шакллантириши лозим.

Бунда, тижорат банки махсус захираларни активларни таснифлаш учун мазкур Низомда назарда тутилган асослар вужудга келган санадан бошлаб шакллантириши ва улар бўйича бухгалтерия ўтказмаларини дастурлашган ҳолда амалга ошириши лозим.»

19. 36¹-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«36¹. Актив қайси валютада вужудга келган бўлса, махсус захира ҳам ушбу актив валютасида ҳар бир актив учун алоҳида шакллантирилиши лозим.

Стандарт активларга яратиладиган захиралар сифати стандарт деб таснифланган жами активлар қолдифига нисбатан ҳар ойнинг якунига қадар миллий валютада шакллантирилиши лозим.»

20. 42-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга доир захирани шакллантириш ва ундан фойдаланишга оид бухгалтерия ўтказмалари Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режасига (рўйхат рақами 3336, 2021 йил 26 ноябрь) мувофиқ амалга оширилади.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

749 «Фоишларни ўстирмаслик тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 10 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1304-5

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан бир ойдан кейин кучга киради.

Раис

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 19 ноябрь,
27/8-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2021 йил
19 ноябрдаги 27/8-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2003 йил 11 октябрдаги 25/7-сон «Фоишларни ўстирмаслик тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1304, 2004 йил 24 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 4-сон, 46-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2006 йил 20 апрелдаги 10/11-сон «Фоишларни ўстирмаслик тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 декабрда эълон қилинган.

1304-1, 2006 йил 24 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 20-21-сон, 186-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2014 йил 10 октябрдаги 35/2-сон «Фоизларни ўстирмаслик тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1304-2, 2014 йил 17 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 42-сон, 527-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2016 йил 26 мартдаги 8/10-сон «Фоизларни ўстирмаслик тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1304-3, 2016 йил 18 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 16-сон, 164-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 19 январдаги 1/7-сон «Фоизларни ўстирмаслик тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1304-4, 2019 йил 15 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.02.2019 й., 10/19/1304-4/2616-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

750 Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 10 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2709-5

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/14-сон қарори (рўйхат рақами 2709, 2015 йил 13 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 32-сон, 437-модда) билан тасдиқланган Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 декабрда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан бир ойдан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 19 ноябрь,
27/6-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2021 йил
19 ноябрдаги 27/6-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга
қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Муқаддима қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ тижорат банкларининг (бундан буён матнда банк деб юритилади) ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талабларни белгилайди.».

2. 3-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари томонидан чиқарилган таъминланган қарз муносабатларини тасдиқловчи қимматли қоғозлар.».

3. 35-банднинг иккинчи хатбошисидаги «қайта молиялаш» деган сўзлар «асосий» деган сўз билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 2 ноябрдаги 68-сон «Давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлар сметаси ҳамда молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ва тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3341.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 19 ноябрдаги 74-сон «Болаликдан ногиронларга ва ўн саккиз ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга нафақалар тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 10 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1927-4.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 19 ноябрдаги 27/5-сон «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 10 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-8.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 19 ноябрдаги 27/7-сон «Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 10 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2696-3.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 19 ноябрдаги 27/8-сон «Фоишларни ўстирмаслик тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2021 йил 10 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1304-5.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 19 ноябрдаги 27/6-сон «Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 10 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2709-5.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 24 февралдаги 27-сон «Болалиқдан ногиронларга ва ўн саккиз ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга нафақалар тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1927, 2009 йил 27 март), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1927-1, 2010 йил 8 февраль), (рўйхат рақами 1927-2, 2011 йил 2 август), (рўйхат рақами 1927-3, 2014 йил 20 ноябр).

2021 йил 10 декабрда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2003 йил 11 октябрдаги 25/7-сон «Фоиизларни ўстирмаслик тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1304, 2004 йил 24 январь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1304-1, 2006 йил 24 май), (рўйхат рақами 1304-2, 2014 йил 17 октябрь), (рўйхат рақами 1304-3, 2016 йил 18 апрель), (рўйхат рақами 1304-4, 2019 йил 15 февраль).

2021 йил 10 декабрда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

